QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 13-iyun, shanba • №24(3814)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига бағишлаб мамлакатимизда кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги тутган беқиёс ўрни ва мавқеига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағишланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асосида мазмунли ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган қарорига қўшимча равишда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонларида ўтказиш ҳақидаги таклифлар маъқуллансин.

3. Мустақиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш куни 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 сентябрь чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шанба ва 30 август якшанба кунлари иш куни деб эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 10 июнь*

**УШБУ СОНДА:**

**ЁШ БЎЛСА-ДА, КЎПГА БОШ**

**ОДАМЛАРГА ИШОНИБ, ИШОНТИРДИ** 6

**МАЪРИФАТ ДАРСИ**

**МУОМАЛА МАДАНИЯТИ — ИНСОН ЗИЙНАТИ** 11

**САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ**



12 **НИГОҲЛАРГА НУР УЛАШИБ...**

**СЕВАРАНИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ** 14



**РЕПОРТАЖ**

# ШАРАФЛИ ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

**Эрта тонгданоқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг ҳовлиси янада файзли, янада тароватли. Озода йўлаклар, барқ уриб очилган анвойи гуллар кишига хуш кайфият бағишлайди.**

**Беш йил ушбу даргоҳда таълим олиб, бугун олий маълумот тўғрисидаги диплом ва лейтенант унвонини олиш, жонажон даргоҳ, қадрдон устозлар билан хайрлашиш учун сафланиб турган курсантлар қалбида ажиб ҳаяжон.**

**Уларнинг ота-оналари, яқинлари юзида ҳам табассум, қўлларида гулдасталар. Жигарларининг қувончларига шерик бўлмоқ учун мактаб ҳовлисига йиғилишган.**

**(Давоми 3-бетда).**



**МИННАТДОРЛИК**

# ШАХСИЙ ТАРКИБГА РАҲМАТ!

**Маълумки, 2009 йил 22-23 май кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби бўйича халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни шакллантириш тажрибалари юзасидан фикр алмашилди.**

Анжуманнинг аҳамияти нақадар улканлигини инқирозга қарши Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишиш истагида келган иштирокчиларнинг сонидан ҳам билиш қийин эмас. Унда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилот ва молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 250 нафардан ортиқ давлат ҳамда жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар, экспертлар қатнашди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти номига мазкур халқаро анжуманни ташкил этиш ва уни ўтказишни мувофиқлаштирган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан миннатдорлик мактуби келди. Вазир ўринбосари М. Қодиров имзолаган ушбу мактубда жумладан шундай сатрлар бор:

«Хизматга жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони Тошкент шаҳар халқаро кўргазмалар мажмуаси хавфсизлигини таъминловчи 6-отряд шахсий таркиби, объектларнинг ички хавфсизлик хизмати ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни юқори савияда бажардилар. Шу боис конференция қатнашчилари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмади. Жамоат тартибининг бузилиши ҳолатлари юзага келмади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги номидан Тошкент шаҳар халқаро кўргазмалар мажмуаси хавфсизлигини таъминловчи 6-отряд шахсий таркибига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз».

«Интерконтиненталь – Тошкент» меҳмонхонаси ва Халқаро ҳамкорлик марказида ташкил этилган нуфузли халқаро анжуманнинг юксак савияда ўтишида муносиб ҳисса қўшган подполковник А. Ҳалилов раҳбарлик қилаётган ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида хизмат вазифасини бажараётган ҳамкасбларимизга ташаккур.

**Н. АСЛОНОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг МДҲ давлатлари билан алоқалар бўйича махсус вакили Фарит Мухаметшинни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан батафсил фикр алмашилди. Шунингдек, минтақадаги сув-энергетика манбаларидан оқилона фойдаланишга доир масалалар муҳокама қилинди.**

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, юртимизнинг маънавият соҳасида фаолият олиб бораётган идора ва ташкилотлар ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган илмий-амалий конференция қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасининг тартибга солинишига бағишланди. Конференцияда республикада қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги хизматининг ҳуқуқий асослари, гематология ва қон хизматининг бугунги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари, соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ташкилотлари ҳамда қон куйиш марказларида бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маърузалар тингланди.**

● Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

● **Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон сингари хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

● Пойтахтдаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ниҳол» мукофоти учун анъанавий республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда иштирокчилар эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера, рақс санъати каби йўналишларда ўз маҳоратини намойиш этишди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари —Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, подполковник Куралбай Аманбаевич ЕЛМУРАТОВ.**



Куралбай Аманбаевич Елмуратов 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, Нукус Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Нукус шаҳар ИИБ милиция участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1989—1998 йилларда Нукус шаҳар ИИБ терговс гуруҳининг терговчиси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Тергов бўлими катта терговчиси, хавфсизликни таъминлаш гуруҳининг инспектори, ШТБИХ катта инспектори, 1998—2009 йилларда ШТБМИ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, ШТБМИ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

**Транспортдаги ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари — Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Мухтор Нематович РАДЖАПОВ.**



Мухтор Нематович Раджапов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Транспортдаги ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1997—2009 йилларда Транспортдаги ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

**«ҒАЛЛА – 2009»**

## ТАРАДДУД ЧАККИ ЭМАС



**Шу кунларда далаларимизда бошоқлар донга тўлган, қуёшнинг заррин нурлари остида товланаётган ғаллазор барчани ўз бағрига чорламоқда. Мавсумолди тайёргарлик пухта ташкил этилган жойларда муносиб ютуқлар қўлга киритилиши табиий.**

Сирдарё вилояти Гулистон тумани ғаллакорлари 8615 гектар майдонга сара уруғ қадаб, 20376 тонна ҳосил олишни режалаштиришган. Ҳосилни йиғиштириб олиш учун 21 та комбайн ва бошқа техникалар тайёрлаб қўйилди. Мавсумга жалб қилинган техникаларнинг учқун ўчиргичлари созлиги текширилиб, далага киришига руҳсатномалар берилди. Комбайнлар ўт ўчиргич, белкурак, кигиз, 100 литр сиғимда сув ва челак билан таъминланди. Бундан ташқари, ғалла майдонлари четида омочли ҳайдов тракторлари, 2-3 тонналик сиғимда сув бўлган тиркама, ёнғинни ўчиришда фойдаланиш учун керакли воситалар билан таъминланган тракторлар ташкиллаштирилди.

Дон маҳсулотларини ўз вақтида йиғиб-териб олиш, омборларга топшириш вақтида етиштирилган ғалла ҳосилининг нест-нобуд бўлиши ва талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик, ушбу даврда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нафақат ички ишлар ходимлари, балки барчанинг вазифаси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, ҳар ким ўз меҳнатини қадрламоғи, насибаси учун ҳаракат қилиб, дастурхон тўкин бўлишига ҳисса қўшмоғи лозим.

**Акмал АБДУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**

*Сирдарё вилояти.*

## МАВСУМНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗАЙЛИК

**Маълумки, ғалла ўрим-йиғимини беталафот, кўнгилдагидек ўтказишда ички ишлар ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Буни дилдан ҳис этган ходимлар ҳудудий ҳокимликлар вакиллари билан ҳамкорликда ғалла майдонлари, дон қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналари ҳолатини назоратдан ўтказдилар.**

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Короскон манзумаси» фермер хўжалигида бўлиб ўтган кўргазмали семинарда мавсумга оид шу ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Унда иштирок этган ташкилотлар, отрядлар раҳбарлари ҳамда ички ишлар идоралари ходимлари ризқирўзимиз бўлган ғалла ҳосилини талон-тарожликка йўл қўймай ўриб-йиғиб олиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

**СЕМИНАР**

## ОДАМ САВДОСИ – БАШАРИЯТ МУАММОСИ

Шаҳрисабз туманида «Одам савдоси — замонамизнинг глобал муаммоси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Қашқадарё вилояти, шаҳар-туман ҳокимликлари, халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари, ўрта-махсус касб-ҳунар ва халқ таълими ҳамда Аллия бошқармалари, имом-хатиблар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларии, корхона-ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Долзарб мавзуга бағишланган тадбирни вилоят ҳокими Н. Зайниев очди.

Тадбирда воҳада одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида вилоят ИИБ бошлиғи, полковник В. Ходжаев, вилоят прокурори К. Сапаров ва Шаҳрисабз тумани ҳокими Ў. Хидировнинг ахборотлари тингланди.

Семинар иштирокчилари давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини янада яхшилаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Чори ҚЎЧАРОВ,**
**майор.**
**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

**ТАДБИР**

## ҲАМИША АРДОҚДА

**Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон бўлиб қолган, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари учун тадбир уюштирилди. Маросим иштирокчилари дастлаб Бош бошқарма ҳовлисидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.**

Шундан сўнг болажонлар автобусларда пойтахтдаги истироҳат боғига йўл олишди. У ерда турли хил аттракционларда учиб, мириқиб дам олишди, музқаймоқ ва ширинликлардан баҳраманд бўлдилар. Сўнгра кичкинтойлар учун Ҳамза туманидаги Кўркам гузарда байрам дастурхони ёзилди. Санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади. Тадбир Ўзбек давлат циркида давом этди. Болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**майор.**

*Тошкент шаҳри.*

## САҲНАДА «ЗАҲАРЛИ ТОМЧИЛАР»

**Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтиришда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши курашишга йўналтирилган «Алвидо болалик» қиссаси асосида яратилган «Заҳарли томчилар» спектакли муҳим ўрин тутмоқда. Ёш томошабинлар театри жамоаси ушбу саҳна асарини вилоят ҳудудидаги 103 та касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига намойиш этди.**

Спектаклдан олдин гиёҳвандлик — иллат эканлиги, унинг қандай аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

**Зулайҳо ҚАЛАНДАРОВА,**
**капитан.**

*Тошкент вилояти.*

## ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ

**Қишлоқ, маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фаоллар, кўча оқсоқоллари, диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда посбонлар профилактика инспекторларига катта ёрдам беришмоқда. Жиззах туманидаги «Қулюма» қишлоқ фуқаролар йиғинида хизмат қилаётган профилактика катта инспектори, майор Кувондиқ Қурбонов ҳам уларнинг ёрдамига таяниб иш олиб бораяпти. Яқинда ушбу маҳалладаги Иқтисодиёт, транспорт касб-ҳунар коллежида «Ўз уйингни — ўзинг асра» мавзуида жамоатчилик билан учрашув ташкил этилди.**

Тадбирда оила ва турмуш доирасидаги жиноятлар, хусусан, гиёҳвандлик ва диний-экстремизм кўринишларининг олдини олиш, ёшлар тарбияси ва бошқа ечимини кутаётган ижтимоий масалалар юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлди. Ҳамкорликда маҳалладошларнинг ҳушёрликларини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда зарур бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.**

*Жиззах вилояти.*

РЕПОРТАЖ

# ШАРАФЛИ ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Тантана бошланишига саноқли лаҳзалар қолганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти, ЁХОТМ бошлиғи, генерал-майор М. Собиров, соҳа фахрийлари ва бошқа меҳмонлар минбарга кўтарилишди.

Олий мактаб майдонида курсантлар, профессор-ўқитувчилар ва битирувчилар саф тортган.

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқув курслари бошлиғи, полковник А. Абдураҳмонов Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга шахсий таркиб тантанали тадбирга сафланганлиги тўғрисида ахборот берди.

Майдонга жанговар байроқ олиб кирилди.

Мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собиров тантанани кириш сўзи билан очаркан, битирувчиларни бугунги тантана, унутилмас кун билан табриклади. Улар олган билимларини келгусида амалиётда муваффақиятли қўллаб, халқни ёнғин балосидан асрашдек шарафли ва масъулиятли касбларига садоқатли бўлишга чақирди. Шундан сўнг Давлат мадҳияси янгради. Энг ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Мактаб бошлиғи Ички ишлар вазирининг дастлабки офицерлик унвонини бериш ҳамда дипломларни топшириш ҳақидаги буйруқларини эълон қилиш учун ўқув бўлими бошлиғи, подполковник И. Юлдашевга сўз берди. Аввало, мактабни аъло баҳоларга битириб, ўрнак кўрсатган курсантларга республика Ички ишлар вазири томонидан имтиёзли дипломлар топширилди. Дипломлар топшириб бўлингач, табрик учун сўз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга берилди. Вазир ёш лейтенантларни ҳаётларидаги унутилмас воқеа бўлган битирув маросими билан қутлаб, уларга Ватан, халқ олдидаги масъулиятли вазифаларини сидқидилдан адо этишларига ишонч билдириб, оқ йўл тилади.

Профессор-ўқитувчилар номидан табрик сўзи полковник А. Мансурходжаевга берилганда, устоз фарзандларидек азиз бўлиб қолган битирувчиларга самимий тилаклар билдирди. Келгусида олган билимларини оқлаб, юртга хизмат қилишларида муваффақиятлар тилади.

Сўнгра ота-оналар номидан минбарга кўтарилган Умида Ибрагимова аввало, битирувчиларни қутлаб, мактаб раҳбарияти ва ўқитувчиларига миннатдорчилик билдирди.



Битирувчилар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири стипендиати Абдурашид Парпиев:

— Ўқув даргоҳида нафақат касб эгалладик, балки маънавий қадриятлар, инсоний фазилатларни ўргандик. Келгусида Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиб, устозлардан олган билимларимизни амалиётга татбиқ этамиз, — деди.

Шундан сўнг олий мактаб шахсий таркиби ва битирувчилари ҳарбий оркестр садолари остида тантанали сафдан ўтишди.



Ёш офицерларни ота-оналари, яқинлари табриклашади. Биз шу асонда неварасини дуо қилиб турган онахонни суҳбатга чорладик.

— Неварам Фарҳоджоннинг қувончига шерик бўлиш учун Гулистондан келдик, — дейди Рашида ая севинч билан. — Илоҳим, йигитларнинг барчаси соғ-омон бўлишсин. Йўллари эгнидаги кўйлагидай оқ бўлсин.

Битирувчи Шерзод Келдиевнинг отаси Ўрол аканинг севинчи чексиз. Сабаби ўғли олий даргоҳни имтиёзли диплом билан якунлади. Ўрол акага раҳбарият томонидан «Миннатдорчилик хати» берилди. Отанинг кўзларида севинч ёшлари, қалбида фахр-ифтихор туйғуси, мактаб жамоаси ва ўғлидан миннатдорчилик ҳислари. Ота учун бундан ортиқ мукофот, қувонч бўлмаса керак. Лейтенант Шерхон Қобиловни ота-онаси бири қўйиб, бири бағрига босиб табриклайди. Яхши тилаклар билдиришади.

— Гарчи мутахассислик дипломини олиб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш қувончлари қалбимизни тўлдирса-да, меҳрибон устозлар, қадрдон курсдошлар билан хайрлашиш, жонажон мактабни тарк этиш оғир экан, — дейди Шерхон Қобилов.

Ҳа, битирувчилар қалбида ҳаяжон, бир олам қувонч. Олдинда эса Ватанга, юртга хизмат қилишдек шарафли вазифа турибди. Зеро, шарафли хизмат масъулият юклайди. Қолаверса, устозлар ўгитларини эсда тутиш, эл-юрт ишончини оқлаш керак.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

Бу эса йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратларда:** *тантанадан лавҳалар.*
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**

14 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ

# ҒОЯТ САВОБЛИ ИШ

**Донорлик шарафли, шу билан бирга, беқиёс хайрли, ғоят савобли ишдир. Чунки донор қони инсоннинг ҳаётини сақлаб қолади. Беморларга малҳам бўлади.**

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг қарорига кўра, ҳар йили 14 июнда Халқаро донорлар куни нишонланади. Бу кун кўнгилли, ихтиёрий қон берувчи олийҳиммат инсонларга чуқур миннатдорчилик билдириш имконини берди.

2007 йил январь ойидан ИИВ Марказий госпиталида қон ва унинг маҳсулотларини тайёрлаш бўлими ўз фаолиятини бошлади. Бўлим донорларни жамлаш, қон маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш, қон банкини яратиш вазифасини бажаради. Шу кунга қадар ички ишлар ходимлари, олий таълим муассасаларининг курсантлари, хизматчилар орасидан 1000 дан ортиқ кўнгилли, ихтиёрий донорлар ўз хоҳишлари билан қон топширишди ва қон банкини яратишда фаол иштирок этишди. Жумладан, ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби тингловчи, курсантлари ва Қоровул қўшинлари хизматчилари орасидан донорликни ихтиёр қилган олийҳиммат инсонларни алоҳида эътиборга олиш лозим. Шу ўринда фуқаролардан беғараз қон ва қон банкини ташкил қилиниши ва фаолиятини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшишларини сўраб қоламиз. Зеро, бу улуғ инсоний ишлардан бири бўлиб, донорларни қабул қилиш учун шароитлар яратилган ва қонунда белгиланган имтиёзлар берилади.

**Илҳом УМАРОВ,**
**ИИВ Марказий госпитали бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ҲИНДУЛАР БОШ КЎТАРДИ

Ерларидан бизнес йўлида фойдаланишга қарши бўлган перулик ҳиндулар мамлакатнинг Багуа туманидаги нефть конини қўриқлаётган 38 нафар полициячини гаровга олган эди. Кейинчалик уларнинг 9 нафари ўлдирилди. Қолганлари эса қўйиб юборилди.

Полиция билан тўқнашувда 11 нафар полициячи ва 22 нафар ҳиндулар ҳалок бўлган.

### НОЁБ ТОПИЛМА

Индонезияда бундан 200 минг йил аввал яшаган Осиё филининг суяклари топилган. Олимлар жониворнинг тишлари ва бош суягини тадқиқ қилишгандан сўнггина унинг неча йил ҳаёт кечирганини аниқлашади.

Мутахассислар ўша пайтларда фил дарёлардан бирига чўкиб кетган ва шу сабабли ҳам суяклар сув тубида яхши сақланиб қолган бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

### МЕҲМОНХОНАДА ПОРТЛАШ

AFP ахборот агентлигининг хабарига кўра, Покистоннинг Пешовар шаҳрида жойлашган «Pedrl Continental» меҳмонхонасида юз берган портлаш оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган, 44 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган. Қурбон бўлганлар орасида чет эл фуқаролари ҳам борлиги айтилмоқда.



### НЕФТЬ НАРХИ ОШМОҚДА

Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган савдолар чоғида бир баррель «қора олтин» 70 АҚШ долларига баҳоланган. Бу жорий йилдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Таҳлилчилар нефть нархининг кўтарилишини долларнинг еврога нисбатан қадрсизланиши билан изоҳлашмоқда.

### ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ҲИСОБИГА

«Samsung» компанияси қуёшдан қувват оладиган қўл телефонини ишлаб чиқарди. «E 1107 Crest Solar» деб номланган ушбу телефон ҳозирча фақат Ҳиндистонда сотувга чиқарилган. Батареялари телефоннинг орқа қисмига жойлаштирилган бўлиб, бир соат қувват олдирилса, тахминан 5-10 дақиқа суҳбатлашиш мумкин. Баҳоси 59 АҚШ долларига баҳоланган ушбу қўл телефони «GSM» тармоғида ишлайди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ЖАРАЁН

# МАЪМУРИЙ ҚАРОРНИ ХОЛИСОНА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давлат бошқарувини демократлаштириш, модернизациялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий қисми бўлган маъмурий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнлар, ўз навбатида, бошқарув тузилмаларининг назорат функциясидан воз кечишини, давлат бошқаруви тузилмалари томонидан ҳар қандай тазйиқни йўқ қилишни ҳамда назорат органлари сонини қисқартиришни, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувини янада чеклашни тақозо этади. Чунки мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, «давлат қурилиши муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, шуни яхши англаб олишимиз лозим: давлатнинг куч-қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйиқ ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билан белгиланмайди».

Айтиш жоизки, давлат қурилиши ва бошқарувини ислоҳ қилишнинг юқорида қайд этилган устувор вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, республикамизда ушбу жараёнларнинг изчиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди. Чунончи давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури»нинг тасдиқланиши ҳамда ушбу дастур асосида «Давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси»нинг ишлаб чиқилиши фикримиз далилидир.

Давлат органларининг бошқарув фаолияти давлат фаолиятининг энг аҳамиятта молик соҳаси ҳисобланади. Зеро, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий тартибга солинганлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим омилидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва шахс ўртасида вужудга келадиган ошкора ҳокимият муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтождир. Ҳуқуқий давлатнинг принциплари давлат органларининг маъмурий иш юритув иштирокчилари учун адолатли ва шаффоф бўлиши лозим бўлган аниқ ва олдиндан айтиб берувчи хулқини тақозо қилади.

Бугунги кунда ҳар бир фуқаро ва шахс кундалик ҳаётда у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олиш, муайян маҳсулот турини сертификатлаштириш, рўйхатга қўйиш каби оммавий манфаатлар билан шахсий манфаатлар ўртасидаги муносабатларни ифода этувчи тартиб-таомилларга дуч келади. Ҳозирги вақтда қонун билан мустаҳкамланган якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби ва босқичларини тартибга солувчи ягона қоидалар мавжуд эмас. Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ қайсидир даражада турли юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқнома, низом ва бошқалар) билан тартибга солинган. Натижада фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиш хавфи вужудга келади, чунки мавжуд маъмурий тартиб-таомиллар фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонуний хулқини рағбатлантиришга нисбатан кўпроқ идоравий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу ҳолат, шунингдек, манфаатдор шахс (юридик ёки жисмоний шахс) ҳамда маъмурий органлар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳал этилишида бюрократик тўсиқлар ва тўрачиликнинг юзага келишига, ортиқча ҳужжатларнинг талаб қилинишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фуқаролар олдида масъулдир, деган қомусий қоидага унчалик мос келмайди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, давлат бошқарувини модернизациялаш жараёнлари, қолаверса, турли соҳалардаги ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, сертификатлаштириш, рўйхатдан ўтказиш каби муносабатларнинг умумий принцип ва талаб меъёрларини, шунингдек, уларнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, давлат органлари фаолиятида шаффофликни таъминлашда асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадларда ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2007 йил 21 июлда учинчи ўқишда қабул қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси»нинг биринчи бўлими 3.5-кичик бандининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги амалиёт шуни кўрсатадики, оммавий ҳокимият фаолияти қонун асосида амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, бир қанча ривожланган мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Голландия, Япония ва бошқалар)да маъмурий тартиб-таомиллар қонун билан тартибга солинган. Жаҳон тажрибасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунлар маъмурий процедураларнинг турли модел ва принципларидан иборат. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчилар ушбу моделларни ўрганиб чиқиб, бизнинг шароитимизга кўпроқ мос келадиганини танлашган.

Шу нарса аниқ-равшанки, ҳуқуқий давлатда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти қонунга, кўпроқ Ўзбекистоннинг давлат-ҳуқуқий ривожланишини ва хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олувчи маъмурий тартиб-таомилларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсад ва принципларининг қонун билан тартибга солинишига асосланади. Умуман олганда, гап турли маъмурий тартиб-таомиллар ва уларга мувофиқ келувчи маъмурий тартиб-қоидалар ҳақида кетмоқда. Шулар асосида махсус норматив ҳужжат «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунни яратиш – ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ижро ҳокимияти вазифалари ва функцияларини амалга оширишни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим вазифадир.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун 10 та боб, 140 та моддадан иборат бўлиб, доирали хусусиятга эга. Умумий тартиб-таомиллар барча махсус тартиб-таомиллар учун ҳуқуқий доирани белгилайди. Доирали қонунга мувофиқ келиш батафсил қоида ва шароитлар билан таъминланади ва унга барча органлар махсус тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда амал қилишлари лозим.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, махсус маъмурий тартиб-таомиллар ички ишлар органлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари айрим турдаги фаолият билан шуғулланишни лицензияловчи орган ҳисобланади. Махсус маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширувчи ички ишлар органларининг назорат-лицензия тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар умумий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун асосида ҳуқуқий доиралар белгиланади.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонуннинг доирали хусусиятга эга эканлиги кейинчалик исталган соҳада махсус тартиб-таомилларни ишлаб чиқишга имкон яратади. Бироқ улар доирали тартиб-таомил принципларига мувофиқ бўлиши лозим. Натижада давлат бошқаруви бир хил тартибга солишга эга бўлади. Ягона стандартлар эвазига бошқарув сифати кадрлар ресурси динамикасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ошади. Давлат аппаратида ўзбошимчалик, суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий ҳолатлар учун шароитлар сезиларли даражада камаяди. Давлат бошқаруви органлари фаолиятига баҳо беришга (жамоатчилик ва суд ҳокимияти томонидан бўлгани каби давлат бошқарувининг ўз тизимида ҳам) имконият яратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши билан маъмурий қарорни холисона қабул қилиш шароитлари яратилмоқда. Муҳими, маъмурий процесснинг очиқ-ошкоралиги таъминланмоқда. Ишни кўриб чиқишда барча манфаатдор шахсларнинг иштироки (яъни, ишни ҳал этишда барча манфаатдор тарафларнинг фикрларини инобатга олиш)ни таъминлаш имконияти яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий майдонида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги янги қонунчилик концепциясининг юзага келиши амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг муҳим босқичини бошлаб, фуқаро ва шахснинг давлат органлари билан муносабатларида уларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлаб, давлат бошқарувининг янада демократлашувига асос бўлади.

**Насриддин ИСМОИЛОВ,**
**юридик фанлар номзоди, доцент.**

## ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

### ЯРИМ ТУНДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

М. Жўрабек дўстлари билан ресторанда улфатчилик қилиб, кўчага чиққанида вақт ярим тунга яқинлашиб қолган эди. Йўлда икки номаълум шахс уни қўрқитиб, ёнидаги «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйди. Жўрабек бу ҳақда зудлик билан Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ИИБга хабар берди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни С. Акром ва М. Азамат содир этгани аниқланди.

### «ПАЙНЕТ»ДАГИ ТЎРТ ШОВВОЗ

Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи Д. Жамшид аҳолига хизмат кўрсатиш учун «Пайнет» шохобчаси очган эди. Аммо кимдир тунда шохобча эшигини бузиб очиб, у ердан компьютер ва экспресс тўлов карточкаларини ўғирлаб кетди. Ушбу жиноят бўйича тўрт шоввоз – Э. Равшан, Б. Карим, С. Ориф ва Ш. Давронни гумонланиб қўлга олинди. Энди бу йигитлар ўз қилмишлари учун жавоб беришади.

### 18 БОШ ҚОРАМОЛНИ ЎМАРДИ

К. Наримон бир кечада 18 бош қорамолидан айрилиб қолганида қандай аҳволга тушганини тасаввур этиш қийин эмас. Номаълум шахс унинг хонадонига кириб, молхонадаги барча қорамолларни ўғирлаб кетганди. Бухоро вилояти Ромитан тумани ИИБ ходимлари ўз вақтида тезкор чора-тадбир кўришди. Натижада У. Сардор гумонланиб ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ЎЗГАНИНГ МУЛКИГА КЎЗ ОЛАЙТИРИБ

Жиззах шаҳрида яшовчи З. Рустам тунда ғаразли мақсадни кўзлаб кўчага чиқди. У рўпарасидан келаётган А. Олимга куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйди. Олим бу ҳақда зудлик билан ИИБга хабар берди. Саъй-ҳаракатлар натижасида ўзгалар мулкига кўз олайтирган З. Рустам қўлга олинди.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**
**лейтенант.**

ЁЗ – ЎТАДИ СОЗ

# ТАЪТИЛГА ОИД ТАДБИРЛАР

***Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни турли фалокатлардан асраш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу ҳақда кўп гапирилади, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинади, ҳамон бонг урилмоқда. Сабаби, болалар иштирокидаги автоҳалокатлар умумий йўл-транспорт ҳодисаларининг 20-25 фоизини ташкил этади.***

Бир қараганда жўндек кўринган бу кўрсаткич ортида фарзандларимиз ҳаёти ётганлиги, улар бир умрга ногирон бўлиб, қалбимизда ўчмас из қолдириши мумкинлигини ўйласак, дардимизга малҳам тополмаймиз. Хўш, бунинг сабаби нимада? Назаримда, бунда энг аввало ота-оналарнинг айби бор. Негаки, уларнинг аксарияти ўз фарзандига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий талабларини тушунтиришмайди. Мактабда ўқитишаяпти-ку, шунга ҳам бош қотираманми, деган нотўғри тушунчага боришади. Болалар катта кўчани белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётганини кўриб туришсада, уларни бу йўлдан қайтаришмайди. Уларга қилаётган иши нотўғри эканлиги, катта кўчани фақат белгиланган жойдангина кесиб ўтиш лозимлигини уқтиришмайди.



2009 йил 27 май куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи Асат Эрматов «ГАЗ – 2401» русумли автомобилни бошқараётиб, йўлни кесиб ўтаётган етти ёшли Диёрбек Муслимбеков ва 1-синф ўқувчиси Ситора Муслимбековани уриб юборган. Натижада пиёдаларнинг бири тан жароҳати олиб касалхонада ҳаётдан кўз юмган, иккинчиси эса шифохонада даволанмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор оромгоҳларга жалб этилмаган болалар билан ишлашга қаратилаяпти. Ёзги таътил даврида ҳаракат хавфсизлигига оид учрашувлар, суҳбатлар ва мулоқотлар ўтказиш мақсадида махсус «Таътил» режаси ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Болаларни оромгоҳлар, саёҳатлар ва дам олиш масканларига олиб боришда амал қилиниши лозим бўлган талаблар юзасидан қатъий кўрсатмалар берилди. Оромгоҳ йўлларидаги эскирган йўл белгилари алмаштирилиб, пиёдалар ўтиш жойларини белгиловчи йўл чизиқлари янгиланди. Йўлларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳокимликлар ва тегишли идораларга тақдимномалар киритилди.

Ёзги мавсум кўнгилли ўтиши учун қўшимча назорат масканлари ташкил этилди. Ҳозирда болаларни ташишга жалб қилинган барча автобуслар техник кўрикдан ўтказилиб, автобуслар жамланмалари фақат ЙПХ патруль автомобиллари кузатувида ҳаракатланишига эришилаяпти.

**Акмал ҲАЙДАРОВ.**
**лейтенант.**

# МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

***Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилида уларни соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш Тошкент вилояти ички ишлар идоралари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб, бу борада режа асосида тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Жорий йили вилоятда фаолият кўрсатаётган 43 та оромгоҳда 45 минг нафардан зиёд, 100дан ортиқ мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида 12 минг нафарга яқин бола кўнгилли ҳордиқ чиқаради.

Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида жорий йилнинг апрель-май ойларида бошқарма ҲООБ, ЙҲХБ ва ЁХБ ходимлари жойларга чиқиб, оромгоҳларнинг таъмирланиши, болаларнинг дам олиш ва овқатланиш жойлари талабга қай даражада жавоб бериши, тунги ёритиш мосламалари, бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланганлиги, ёнғинга қарши ҳовузларнинг мавжудлигини кўздан кечиришди. Текширувлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Бўстонлиқ тумани Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Ёшлик» болалар дам олиш оромгоҳида эса кенгайтирилган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш комиссияси аъзолари, ҳокимлик вакиллари, бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати аъзолари, тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари раислари, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда касаба қўмиталари раислари, оромгоҳ бошлиқлари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник М. Исмоилов, республика ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, подполковник И. Жаҳонгировлар амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича маъруза қилишди.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудида жойлашган оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда вилоят ИИБ ходимлари иштирокида мавсумолди йўриқномаси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбар ходимлари томонидан йиғилганлар олдига қатор вазифалар қўйилди.

Кўриниб турибдики, ёзги таътил давомида оромгоҳларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, болалар мавсумни мириқиб ўтказиши учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

**С. ИСМОИЛОВ,**
**капитан.**

*Тошкент вилояти.*

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

«Қоровулбозор» нефтни қайта ишлаш заводидан белгиланган манзилга кетаётган юк поездига икки номаълум шахс чиқиб олди. Улар цистернадан 300 литр ёқилғини тушириб, ўз автомашиналарига жойлаётган пайтда Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Шу тариқа «тадбиркор»лар В. Й. ва Р. Т. нинг қилмиши фош этилди.

* * *

Тошкент темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимлари томонидан тадбир ўтказилганда оғир жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган С. С. аниқланди. У «Санкт-Петербург – Тошкент» йўналиши бўйича қатнаётган йўловчи поездда кетаётган пайтда ушланди.

* * *

Тошкент аэропортидан «Тошкент – Москва» йўналиши бўйича учиб кетмоқчи бўлган тошкентлик И. Ш.нинг юклари кўздан кечирилди. Юклар орасида ҳар хил мевалар борлиги бир қарашда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасди. Аммо Тошкент аэропорти тармоқ ИИБ ходимлари синчковлик билан текшириб, мевалар орасига жойланган 1 кг. 770 граммдан ортиқ героинни олишди.

* * *

Тошкент темир йўл шоҳбекатида Миша исмли шахс 5000 АҚШ долларини С. С. га сотаётганида Транспорт ИИБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қонунбузар қилмишига яраша жазо олади.

**Э. ҚЎЗИЕВ,**
**катта сержант.**

ФАХРИЙЛАР–ФАХРИМИЗ

# ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИНГ!



Жиззах вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши ташаббуси билан соҳавий хизматлар ва жойлардаги ички ишлар бўлимлари ходимлари билан фахрийларнинг учрашувлари уюштирилмоқда.

– Учрашувларни ўтказишдан мақсадимиз, – дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Н. Маҳамматов, – кўплаб шогирдларни етиштириб чиққан фахрийларнинг ҳаётий сабоқлари, хизмат тажрибалари, қолаверса, панд-насиҳатларини ёш ходимларга етказиш, уларга намуна қилиб кўрсатиш. Тадбирларда бугунги кунда ходимлар томонидан олиб борилаётган шарафли ва машаққатли хизматнинг мазмуни, масъулияти, қонунчиликни ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, жанговар хизмат тайёргарлигини ошириш каби масалалар юзасидан сўз юритиляпти.

Элда хизмат қилиб ҳурмат-эътибор қозониш осон эмас. Бунинг учун эл осойишталиги йўлида бел боғлаган ички ишлар ходими қайси хизматда ишламасин касбини севиши, буйруқ ва топшириқларни сифатли қилиб бажариши, бурчига садоқат билан ва виждонан хизмат қилиши зарур.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

**Суратда:** ***фахрийлар ёш ходимлар билан суҳбатлашишяпти.***

**Муаллиф олган сурат.**

КЎРИК-ТАНЛОВ

# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

***Ҳар гал Ватанни тараннум этувчи куй ва қўшиқларни тинглаганимизда қалбларимиз фахру ифтихордан энтикади, вужудимиз сарли ҳисдан жимирлаб, руҳимиз ором олади. Бинобарин, жаннатмакон диёримизни ҳар қанча мадҳ этмайлик, барибир оздек туюлаверади.***

Юртбошимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг турли меҳнат жамоаларида, ташкилот, идора ва ўқув муассасаларида мазкур тадбирнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида бўлиб ўтди.

Қўшиқнинг инсон руҳиятига ижобий таъсири, унинг маънавий оламини бойитишдаги аҳамияти беқиёс. Айниқса, у Ватанни улуғлашга, унинг шоншуҳратини юксалтиришга хизмат қилса, қиймати янада ортади.

Кўрик-танловда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида хизмат қилаётган ходимлар фаол иштирок этишди. Ижро маҳоратидан қатъи назар ҳар бир қатнашчи Ватан ҳақида дилдан жўшиб куйлай олишини исботлаб берди. Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, таниқли бастакор Анор Назаров раислигидаги ҳакамлар ҳайъати қўшиқлар матнининг мазмуни, оҳанг композицияси, куйнинг қўшиққа ҳамоҳанглиги ва иштирокчиларнинг ижро маҳорати каби юксак бадиий мезонлар асосида кўрик-танлов ғолибларини аниқладилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, биринчи ўрин 12-тергов ҳибсхонаси вакили, сафдор Жўрабек Мамадалиевга, иккинчи ўрин 8-тергов ҳибсхонасидан сафдор Шавкат Намозовга, учинчи ўрин эса 33-жазони ижро этиш муассасасида эркин ёлланиб ишлаётган Гулмира Бадаловага насиб қилди.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар ва «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг кейинги босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти ИИБ ЖИЭБда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ИИБ ЖИЭБ шахсий таркиби орасидан мазкур танловнинг иккинчи босқичига йўлланма олган ходимлар иштирок этишди.

Танлов дастурида ходимларнинг ўзи ёки бошқа муаллиф томонидан ёзилган Ватанни мадҳ этувчи янги шеърга куй басталаб қўшиқ ижро этиш белгиланган эди. Капитан С. Валиёров «Ўзбекистон», сафдор Ш. Намозов «Ватаним», Ш. Жўраева «Ватан», Г. Бадалова «Элим руҳи шод бўлди» қўшиқлари билан танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олишди.

Шахсий таркиб орасида ижод қилувчи ходимлар ёзган ашъорларда Ватанни улуғлаш, шуҳратини янада юксалтириш, юрт, халқ манфаатларини ифода этувчи миллий ғоя тарғиботи қаламга олинган. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни кенг тарғиб этувчи куй ва қўшиқлар тадбирнинг мазмунли ва қизиқарли ўтишида муҳим омил бўлди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

*Бошқаларнинг жавобгарлиги остида ишлаш бошқа экану, масъулият зиммангга юкланса, аниқ талаб ва мажбуриятлар қўйилса бошқа экан.*

ЁШ БЎЛСА-ДА, КЎПГА БОШ

# ОДАМЛАРГА ИШОНИБ, ИШОНТИРДИ

***Ҳар бир кишининг орзу-умидлари болалигидан бирга тетапоя бўлади. Вояга етгач, у қатъий ниятга айланиб, бутун ақли, ғайрат-шижоати уни амалга оширишга йўғрилади. Қибрай туманилик Қаҳрамон ҳам оддий тенгдошлари каби маҳалла-кўйда кўча чангитиб тўп ўйнаб юрганида, хаёллари энг учқур шамолларни ҳам ортда қолдирар, ўй-хаёллари ушоққина юрагига сиғмасди. Бироқ тақдир экан, отасидан эрта ажраган йигитча бирданига улғайиб, инсонга ҳаёт бир мартагина берилиши, уни имкон қадар бошқаларга фойда келтириш, савоб қилиш учун ўтказиш зарурлигини англади.***

Дастлаб болаларга ҳаётнинг илк сабоқларини ўргатишни режалаштириб, Тошкент Давлат педагогика институти талабаси бўлган Қаҳрамон кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирди.

— Курсларни битириш арафасида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЖИЭБ бошлиғи, капитан Ж. Холиқовдан жуда кўп нарса ўргандим, — дейди Қибрай тумани ИИБ ҲООБ инспектори, сержант Қаҳрамон Назаров. — Устозим маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ёрдам бериш учун елибюгуришларини кўриб, гоҳида "тугишгани, яқини бўлмаса, бунча жон куйдиради бу одам?" дея кўнглимдан ўтказган вақтим ҳам бўлган. Аммо бошқаларнинг жавобгарлиги остида ишлаш бошқа экану, масъулият зиммангга юкланса, аниқ талаб ва мажбуриятлар қўйилса бошқа экан. Мана, мустақил ишга келгач, туман ИИБ ҳисобидаги одамларнинг у ёки бу қилмиши учун назоратда бўлган йиғмажилдлари билан танишар эканман, уларнинг ҳар бири юртдошим, миллатдошим, сизу биз нафас олиб турган жамиятда яшашга улар ҳам ҳақли эканлигини ҳис қилдим.

Ўлжасой... уч нафар фарзанднинг онаси. Шайтон васвасасига тушиб, танишининг алдов-қистовларига учиб, гиёҳвандлик билан шуғулланган. Оқибатда-чи?

Икки фарзанднинг отаси Маъмуржон илгари судланган. Бироқ андишанинг оти қўрқоқ деганларидек, кечиримлиликни бошқача тушунди. Яна жиноятга қўл урди. Ўн йилга қамалди. Ўн йил ҳазилакам гапми?! 2008 йилда ўталмай қолган жазо муддати ахлоқ-тузатиш ишлари билан алмаштирилди. Хайрият, бу галги бағрикенгликни суиистеъмол қилмади. Маҳалла-кўй насиҳати, инспектор Қ. Назаровнинг олиб борган тушунтириш ва якка тартибдаги ишлари бежиз кетмади. Энергоқурилиш тармоғига ишга жойлаштириб қўйилгани эса айни муддао бўлди. Уйига ҳам қут-барака кириб, фарзандлари, қўни-қўшнилар олдида қадди ростланди.

Қаҳрамон ҳар бир маҳкумни — у шартли ҳукм қилинганми, ахлоқ-тузатиш ишларига жалб этилганми ё бошқами, бирор ишни топширишдан аввал унга ишонишини албатта айтади.

— Жазони ўтаб қайтсам, болаларим ҳам бўйи етиб қолибди. Ёшликда одам енгил-елпи ўйларкан. Энг катта хато ҳам шу бўлса керак. Ахир ёшлик келгуси ҳаётга замин яратиш, обрў-эътибор қозониш, кексаликни таъминлаш учун берилган вақт экан-ку. Афсус, буни жуда кеч англадим, — дейди Маъмуржон бошини қуйи эгиб.

Қаҳрамон мазкур соҳада иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай жамоадошлари, назоратида турувчи маҳкумларнинг ҳам ҳурматини қозона олди. Эҳтимол болалиги оғир кечгани учунми, ҳар кимнинг дардни ўз дардидек қабул қилишга одатланган. Ёш бўлишига қарамай, ҳаётда ўз фалсафаси бор. Ёлгиз онаси Мавлуда аянинг дуосини олиш, оналарнинг кўзларида бир томчи бўлсин ёш кўрмаслик. Гоҳида гиёҳвандлик, безорилик, дилозорлик йўлига кириб, онаизорларининг кўз ёшини оқизаётган ёш-яланглар, ақли расо эркакларни кўрса юрагини номсиз бир тош эзгилагандек бўлади.

— Соҳамизда ёш бўлса-да касбига меҳр қўйган, одамларга астойдил ёрдам бериш истагида хизмат қилаётган ходимлар кўп, — дейди вилоят ИИБ ҲООБ катта инспектори, майор Илмира Юсупова. — Қаҳрамон мазкур соҳада тўрт йилдан бери хизмат қилаётган бўлса устозларидан кўп нарсаларни ўрганди. Доимо катталарнинг ўгитларига амал қилади. Туманда ўз ҳисобида турувчи маҳкумлар билан учрашиб, якка тартибда суҳбат олиб боришга вақт топади. Уларни иш билан таъминлаш, бўш вақтларини банд этишга кўпроқ эътибор беради. Йил бошидан маҳалла, мактаб, корхона ва ташкилотларда ўттиздан ортиқ учрашувлар, суҳбатлар, якка тартибдаги тушунтириш ишларини олиб борди. Жорий йилнинг шу пайтигача ўттиз нафардан ортиқ шахсларнинг ҳаёти тўғри изга тушиб, назоратдан чиқарилган. Уларга ишонса бўлади. Зотан, одамларга ишониб, уларни ишонтириш мумкинлигини қаҳрамонимиз ёш бўлса-да билади.



*Қ.Назаров ҳар бир назоратда турувчи шахснинг ишхонасига бориб, суҳбатини олмаса кўнгли тўлмайди.*

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**
**«Постда» мухбири.**
*Тошкент вилояти.*

ЁДНОМА

***Яқинда шахсий таркиб билан бўлиб ўтган йиғилишда мустақиллигимизнинг илк даврида муассасага раҳбарлик қилган Абдуғаффор Холтоев хотирасига бағишлаб минифутбол бўйича хотира турнири ўтказиш режалаштирилди.***

# ЯХШИЛАР НОМИ ЎЧМАГАЙ

А. Холтоев 1991 йили Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси томонидан муассасамизда тикув цехи очиш ва бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида мутахассис сифатида келиб, бироз муддат бу ерда хизмат қилган эди. У ташкилотчилиги, талабчан ва хушчақчақлиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонди, раҳбар этиб тайинланди.

Раҳбарлик даврида ёш бўлишига қарамай, ходимларнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланди. Собиқ маҳкумларга оталарча ғамхўрлик қилди. Бирор маҳкум озод бўлиб, жамиятда ўрнини топиб, ҳалол меҳнат билан оила тебратганини эшитса қувонар, қайта жиноят содир этиб, муассасага қайтиб келганини кўрса: «Афсус, яхши тарбия бера олмабмиз, унинг қайтишида бизнинг ҳам айбимиз бор», — деб куюнар эди.

Афсуски, А. Холтоев 1993 йил июнь ойида автоҳалокат натижасида ҳаётдан эрта кўз юмди. Ўша машъум кунда бу хабарни эшитган нафақат ходимлар, балки жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам изтироб чекишган эди. У киши муассасада бир неча ойгина раҳбарлик қилган бўлса-да, ўзидан бир умрга татигулик хотира қолдириб, барчанинг қалбидан муносиб жой олишга улгурганди.

Ҳозирда А. Холтоев ташаббуси билан барпо этилган тикув цехида иш қизғин. Юз нафарга яқин маҳкум доимий иш билан таъминланган бўлса, бошқа томондан ўзларидан орттириб, оилаларига ҳам моддий ёрдам беришаяпти.

Ўз касбининг устаси, кўплаб ходимларнинг устози бўлган инсоннинг хотирасини ёд этиб, ҳурмат билан тилга олиш муқаддас бурчимиздир.

**Х. МЕЛИЕВ,**
**подполковник.**
*Қашқадарё вилояти.*

ТУМАН ИИБ ФАОЛИЯТИДАН

# ОСОЙИШТАЛИККА МАСЪУЛМИЗ

***Кейинги йилларда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишлар самараси яққол сезилмоқда. Бу борада Избоскан тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти.***

Асосан қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган туман аҳолисининг осойишталигини таъминлашда шахсий таркиб масъулиятни ҳис этган ҳолда хизмат олиб бормоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жиноятчиликнинг айрим турлари кескин камайди. Жумладан, содир этилган умумий жиноятлар сони саккиз фоизга, оғир турдаги жиноятлар бир фоизга, гуруҳлар таркибидаги шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар уч фоизга камайди.

Ходимларимизнинг ўз хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашаётганлиги боис, кўплаб жиноятлар «иссиқ изида» очилишига эришилмоқда. Жумладан, тунги соат 23. 30лар чамасида номаълум шахс юзига ниқоб таққан ҳолда ўзининг молмулкини талон-тарож қилиш мақсадила Яккатут қишлоғида яшовчи, 76 ёшли Қ. Неъматнинг хонадонига кирган. Унинг турмуш ўртоғини пичоқ билан қўрқитиб, қўл ва бўйин қисмларига жароҳат етказиб, ундан пул талаб қилган. Рафиқасининг бақириб юборишидан уйғониб кетган Неъмат ота босқинчига қаршилик кўрсатганда, у қариянинг бўйин, чап елка, кўкрак қисми ва чап тиззасига бир неча марта пичоқ санчиб, воқеа жойидан қочиб кетган.

Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни жабрланувчиларнинг набираси Қ. Исломбек содир этганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ходимларимиз томонидан Пойтуғ шаҳри Охунбобоев кўчасида жойлашган, фаолияти тўхтатилган масжидда бир гуруҳ шахслар томонидан диний йўқиш ташкил қилинганлиги аниқланди. Терговсуриштирув ишлари давомида Пойтуғ шаҳрида яшовчилар П. Эгамберди, П. Абдукарим ва Р. Абдукарим ўзлари билан яна тўрт нафар маҳалладошларини ушбу масжидда диний сабоқ олишга даъват этганликлари ойдинлашди. Ушбу ҳолатни фош этишда катта тезкор вакил, катта лейтенант Фаррух Давронов, тезкор вакил, капитан Дилшод Эгамов, профилактика инспектори, капитан Музаффар Шерматовнинг хизматлари катта бўлди.

Булардан ташқари, туман ИИБ шахсий таркиби «Антитеррор — Тозалаш», «Арсенал», «Қорадори», «Паспорт-виза» каби кенг қамровли профилактик тадбирларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, ўтказилган «Антитеррор — Тозалаш» тадбирларида содир этилган учта жиноят фош этилди, ўн нафар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар туман судининг қарори асосида жазога тортилди. Иккита ҳолатда ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини четга олиб чиқиб кетиш ва олиб кириш билан шуғулланаётган шахслар аниқланиб, улардан 565 литр нефть маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди. Гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда сотиш бўйича битта ҳолат аниқланиб, оғуфурушлардан далилий ашё сифатида 41,2 грамм марихуана моддаси олинди.

Бўлимимизда ўз хизмат вазифасини аъло даражада бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, майор Давронбек Ғозиев, ЁХБ инспектори, капитан Диёр Арслонов, ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, капитан Сирожиддин Мамадалиев, паспорт хизмати инспектори, капитан Ҳабибахон Маҳсудова, кинолог, катта сержант Дилшод Расулов шулар жумласидандир.

Бу каби осойишталик посбонлари бор экан, фуқаролар тинчлиги, хавфсизлиги ҳамиша таъминланади. Чунки биз уларнинг осойишталигига доимо масъулмиз.

**А. БЎСТОНОВ,**
**подполковник.**
**А. БУЗРУКОВ,**
**журналист.**
*Андижон вилояти.*

# POSTDA-TV

**ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР** 15–21-iyun

«TOSHKENT» ЖУМА, 11.35

**«Уч плюс икки». Б/ф.**





«YOSHLAR» ШАНБА, 22.30

**«Жеру олмоси».**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Дўст ва ҳамкорлар билан учрашиб, дилдан суҳбат қуриб, янгиликлардан хабар топасиз. Бегоналар билан яқиндан танишиш маслаҳат берилмайди. Молиявий масалалар кўнгилдагидек ҳал бўлиши кутилмоқда. Харид ишлари ҳам кутилган натижа беради.

### СИГИР

Молиявий масалаларни ижобий ҳал этиш учун озгина тер тўкишга тўғри келади. Бировларга ишониб, чув тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Ташқи кўринишга алоҳида эътибор қаратинг. Сизни янги танишув кутмоқда. Шахсий муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилинг.

### ЭГИЗАКЛАР

Ҳафта давомида саёҳатга чиқиш, кенг билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар билан танишиш кутилмоқда. Раҳбар ходимлар билан зиддиятга бормасликка ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари кўпроқ дам олиб, куч-қувват тўплашни маслаҳат берамиз.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Ҳар қандай сирли гапни ошкор этмасликка ҳаракат қилинг. Ички дунёингизга яна бир назар солиб, хатти-ҳаракатларингизни таҳлил қилиб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шубҳали туюлган ғоя, фикрлардан халос бўлиш лозим. Дўстлар билан кўнгилли суҳбатлар қуришингиз мумкин.

### АРСЛОН

Яқин кишингиз билан келгусидаги режалар борасида ўртоқлашиб, қимматли маслаҳат ва кўмакдан баҳраманд бўласиз. Дўстлар билан муносабатлар яхшиланади. Сизни янги танишув кутмоқда. Ишхонада омад кулиб боқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

### БОШОҚ

Юридик масалаларни тез ва самарали ҳал этишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Бундан руҳингиз тушмасин. Ишчанлигингиз туфайли ишхонада юқори натижаларга эришишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Турли масалаларни ҳал этишни ҳафтанинг иккинчи ярмига мўлжалланг.

### ТАРОЗИ

Юлдузлар ҳафта омадли бўлиши ҳақида дарак бермоқдалар. Айниқса, ижодий фаолият, илмий-тадқиқот ва спортда ютуқларга эришиш кутилмоқда. Шу ўринда саломатликка ҳам эътибор қаратинг. Ўзингизни нохуш сезсангиз, зудлик билан тажрибали мутахассисларга мурожаат қилинг.

### ЧАЁН

Мерос ва кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал бўлади. Кредит олиш ва қайтаришнинг янги имкониятлари юзага келади. Эҳтиросли ўйинларда иштирок этмаган маъқул. Тақдирни ўзгартишга қодир бўлган танишув кутилмоқда.

### ЁЙ

Яқин кишингиз билан турли муаммоларни муҳокама қилиб олиш имконияти туғилади. Битим, келишув, шартнома тузиш учун қулай давр. Ҳамкасблар ҳурматини қозониш учун хушмуомала ва эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг. Парҳез саломатликни тиклашда муҳимдир.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Шошмашошарлик қилмай, вазифаларни бажаришда ҳар тарафлама ўйлаб иш тутинг. Овқатланишда дармондорига бой маҳсулотлардан фойдаланиш, парҳез таомларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳафтанинг иккинчи ярми ишқий саргузаштларга бой бўлади.

### ҚОВҒА

Ижодий иш ҳамда фарзандлар билан дилдан суҳбатлашиш учун қулай давр. Спортда омад кулиб боқади. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топади. Яқинлар билан муносабатларни яхшилашга эришасиз. Саломатликни тиклаш, мустаҳкамлаш ҳақида ҳам қайғуринг.

### БАЛИҚ

Оиладаги муҳитни барқарорлаштиришга, хонадонда қулай шароитни яратишга эътибор қаратиш лозим бўлади. Яқин кишиларга ишончингиз ортади. Худбинлик турли зиддиятли вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Янги таниш орттиришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МУОМАЛА МАДАНИЯТИ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Мулойимлик ва ширинсўзлик ҳикматнинг боши. Бу ҳикмат фақат юксак фазилатлар эгаси бўлган одобли инсонларда мужассам. Инсоннинг гўзаллиги, аввало, унинг тилида ва хатти-ҳаракатида билинади. Яхши сўз ва чиройли муомала ҳар қандай одамга зийнат бағишлайди. Носир Хисрав айтганидек:

*Сўз ичра мудом ақл яшириндир,*
*Сўз чимилдиғу ақл келиндир.*

Ҳадиси шарифларда айтилишича, одамлар билан яхши муомала қилиш ҳам садақа ҳисобланар экан. Демак, хушмуомала одам савоб олади. Бу нафақат инсоннинг ўзи, балки жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки савоб ишлар жамиятда ижобий муҳитнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Ижобий муҳит эса жамиятни тараққий эттириб, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Аллоҳ таоло ўзининг муқаддас китобида мусулмонларни ўзаро суҳбатларда, муомала-муносабатларда ширинсўз бўлишга буюради. Ёмон сўзлар туфайли одамларнинг оралари бузилади, натижада ўзаро душманлик содир бўлади. Буни баъзан кишилар орасида бўлиб турадиган жанжаллар, баъзи ёшларнинг катталарга ҳурматсизлиги, касб одоби қоидаларининг бузилиши каби ҳолатларда кўриш мумкин.

Одатда, ҳамма нарсага тил сабабчи бўлади. «Барча бало – тилдандир» дейилади бир ҳадисда. Демак, ҳар доим тилга эътибор бериш керак. Тилга ихтиёрсизлик – элга эътиборсизликдир. Шундай экан, муомала одоби деганда ширинсўзлик ва мулойимлик тушунилади. Ким бўлишидан ва қандай соҳада ишлашидан қатъи назар, одоб доирасида мулойим муомала қиладиган одам бошқаларнинг ҳурматига ва раҳматига сазовор бўлади, кўплаб дўстбиродарлар орттиради, оилада ва жамиятда иззат-икромга лойиқ бўлади.

Биз маънавият ҳақида кўп гапирамиз ва ёзамиз. Аслида маънавият муомала одобидан бошланади. Ёзиш, гапириш, турли тадбирлар ўтказиш орқали муомала-муносабатдаги қусурлик ва одобсизлик билан боғлиқ вазиятни ўзгартириб бўладими? Мен бу савол устида кўп ўйлаб, фикр-мулоҳаза юритиб кўрдим. Ёзиш ва гапиришда ўзим ҳам фаоллик кўрсатдим. Семинар-кенгашлар ўтказишдаги қолипга тушиб қолган бир хиллик, ҳаётий мисоллар ва таҳлилларнинг йўқлиги, навбат билан минбарга чиқиб ҳисобот тарзидаги маълумотномаларни ўқиб бериш тингловчи учун ҳеч нарса бермаслигини кўрдим. Қоғозда белгиланган тадбирлар ҳам ҳисобот учун керак. Шунинг учун муомала маданиятининг таъсирчанлигини ошириш ва ҳаётийлигини таъминлашда ёзиш, гапириш ҳамда ҳадеб семинар-кенгашлар ўтказаверишдан кўра кўпроқ жойларда – ишхоналарда, айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ идораларда, маҳаллаларда, оилаларда тарбиявий ишлар олиб бориш зарурроқ деган фикрга келдим. Чунки шундай ёшлар борки, бегоналардан кўра кўпроқ ўз раҳбарлари, ота-оналари, маҳалладошларининг сўзига қулоқ солишади. Баъзи бировлар мақола ўқиш, маъруза тинглаш ва насиҳат эшитишга мутлақо тоқати бўлмай, аксинча, яхши сўзингизга ҳақорат билан жавоб берадилар.

Бир мисол. Иш билан туманимиздаги газ таъминоти идорасига бордим. Навбатда турганларнинг аксарияти мункайиб қолган қариялар. Улар йигирма беш-ўттиз ёшлардаги йигитдан тўлов дафтарчаларидаги рақамлар компьютердаги рақамлар билан бирбирига тўғри келмаётганлигининг сабабини тушунтириб беришини сўрашарди. Йигит гоҳ вақтим йўқ деса, гоҳ бошимни қотирманг дер, дам бировнинг тўлов дафтарчасини юзига отиб юборса, дам бошқа бировга йиғлаб мени қўрқитма, бор, қаерга борсанг боравер дерди. Чидаб туролмадим. Журналистман, деб гувоҳномамни кўрсатиб вазиятга аралашмоқчи бўлдим. У: «журналист бўлсанг нима қилай?» деб гувоҳномамни юзимга отди. Ўзимни тутиб туролмай қўпол сўз айтиб юбордим. Ташқарига чиққанимда Саъдий Шерозийнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди:

*Мулойимлик билан юрмаса иши,*
*Ночор дағалликка киришар киши.*

Ана шуниси чатоқ. Мен кейин хато қилганимни англаб етдим. Балки унинг ҳақоратига мулойимлик билан жавоб берганимда яхши бўлармиди? Янаям ким билади дейсиз? Кейин ўша йигит учун унинг бошлиғи мендан узр сўради. Эҳтимол, энди у йигитнинг муомала маданиятини ҳам ўз назоратига олар. Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, ёшларни муомала одоби руҳида тарбиялашда маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар каби корхона, муассаса ва ташкилотлар, хусусан, одамларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ идоралар раҳбарларининг, умуман, меҳнат жамоаларининг ўрни катта. Ана шундай раҳбарларга ҳазрат Жалолиддин Румийнинг қуйидаги ҳикматомуз сўзларини эслатиб ўтмоқчимиз:

*Яхши хулқли кишини,*
*Яхши дегил ишини.*

Муомала маданияти нафақат аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари учун, балки бошқа турли соҳаларда ишлайдиган касб эгалари учун ҳам зарур. Қаерда ва ким бўлиб ишлашимиздан қатъи назар, касб одобига амал қилишимиз лозим. Масалан, журналистни олайлик. Мен оммавий ахборот воситаларининг деярли барча тармоқларида, жумладан, таҳририятда, радиода, телевидениеда, ахборот агентлигида ишлаб кўрдим. Баъзи ҳолатларда касб одоби доирасидан чиқиб кетадиган журналистлар ҳамма жойда ҳам бор. Димоғдорлик, атрофдагиларни менсимаслик, машҳурлик асоратлари, бошқалар қай даражада эътибор бераётганликларини калондимоғлик билан кузатиш, биров салом беришини кутиш, айрим ҳолларда такаббурлик ижодий сафарда юрган баъзи журналистларда ҳам кузатилади. Шунинг ўзи касб одобининг бузилишидир.

Менинг фикрим шуки, журналист ҳеч қачон вазиятга қараб ўзгармаслиги, ўзини бошқалардан устун қўймаслиги, хушмуомала ва ширинсўз бўлиши, кимлигини ва иш жойини пеш қилмаслиги, вазифасини бажараётганида ўзига берилган ваколат ҳамда касб одоби доирасида ҳаракат қилиши керак. Бизда журналистнинг ҳақ-ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Шунинг учун у ана шу ҳақ-ҳуқуқдан фойдаланишда нафақат қонун доирасида, балки ҳамма учун умумий бўлган муомала одоби доирасида фаолият кўрсатиши керак. Акс ҳолда тўртинчи ҳокимият вакили ўз шаънига доғ туширади.

Гап муомала маданияти ҳақида борар экан, шак-шубҳасиз, аксарият одамларнинг кўз олдига ҳуқуқ-тартибот ҳамда назорат идоралари айрим ходимларининг хатти-ҳаракатлари келади. Уларнинг орасида баъзан шундайлари ҳам учраб турадики, қаршисида ўтирган одам ёш ёки қарими, ўзи ёрдам сўраб келган ёки айбланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчими, бундан қатъи назар «бу ерда фақат мен гапираман ва фақат мен савол бераман» деб оғиз очиргани қўйишмайди. Одатда, ундайларнинг қовоғи солиқ, нигоҳи зардали бўлади, суҳбатдоши билан еб қўйгудек бўлиб кўз уриштириб олади. Уларда салом-алик ҳам бўлмайди. Баъзилар уларнинг вазифалари шуни тақозо этади деб ўйлашлари мумкин. Эҳтимол, маълум даражада шундайдир. Бироқ барибир уларда ҳам касб одоби қоидалари бор. Бу қоидалар муомала маданияти меъёрлари ҳамда хатти-ҳаракат мезонлари доирасида ишлаб чиқилган. Ички ишлар идоралари ходимлари билан кўп марта учрашув ва суҳбатлар ўтказганимда уларнинг ўзлари бу тартиб-қоидалар қай даражада аҳамиятли эканлиги ҳақида гапириб беришди.

Шу ўринда таклиф-мулоҳаза сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Мен вилоятларга арзон ва қулай деб кўпинча автобусда бораман. Йўлларда йўл-патруль хизмати постлари кўп. Ҳар куни улардан юзлаб автобуслар ўтади. Катта постларда тартиб-қоидага кўра йўловчилар ва уларнинг юклари назоратдан ўтказилади. Бундай пайтда автобус салонига кўтарилган ички ишлар ходимининг ўзини тутиши, одоби, муомала маданияти катта аҳамиятга эга. Шунинг учун у ўз вазифасини бажаришга киришганида: «Ассалому алайкум, ҳурматли йўловчилар, акалар, опалар! Биздаги тартиб-қоидага кўра, паспортларингизни ва қўл юкларингизни назоратдан ўтказамиз. Илтимос, ҳужжатларингизни кўрсатсангизлар» деб, сўнгра охирида: «Оқ йўл сизларга!» деб автобус салонидан тушиб кетса қандай яхши. Сўзсиз, бундайлар оз эмас. Бироқ қўпол муомала қиладиганлари ҳам учраб туради.

Кези келганда, йўл-патруль хизматига дахлдор бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Холис гап шуки, ҳозир йўл-патруль хизмати ходимларини ҳам менсимайдиган, пиёдаларга ҳам парво қилмайдиган, светофорга қарамай, бир қўлидаги уяли телефонини қулоғидан олмай, зўр бўлсанг жаримангни оласан-да деб, ўз машинасини олди-орқасига қарамай ҳайдайдиган ҳовлиқма, олифта, такаббур ҳайдовчилар кўпайиб кетди. Уларга қандай қилиб мулойим муомала қилиш мумкин? Бундайлар турли фалокатларга сабабчи бўладилар ва бўлмоқдалар ҳам. Бундай пайтда ҳар қандай одам муомала маданияти ҳақида ўйламаса керак. Айниқса, йўл-патруль хизмати ходими қатъиятлик кўрсатмаса бўлмайди. Баъзан кўп қаватли уйлар орасидаги пиёдаларга ажратилган йўлларда, боғ ва хиёбонлар олдида, одамлар сайр қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларда, ёш болалар ўйнайдиган майдончалар атрофида машинасини учириб ҳайдайдиган ёки бақайбат итини бўш қўйиб ўйнатиб юрганларни кўрганингизда мутлақо муомала маданияти ҳақида ўйламай, беихтиёр айтадиганингизни айтиб юборасиз.

Аслида ҳеч қайсимиз муомала масаласида бир-биримизни камситолмаймиз. Ҳар биримизда ҳам қандайдир даражада камчилик бор. Бироқ ҳаётий тажриба бу борада инсонни тарбиялайди. Инсон ёши улғайган сари қалбан покизаликка эҳтиёж сеза бошлайди. Мансаб-мартаба, манфаатпарастлик, машҳурлик, сохта обрў ортидан қувиш ва бошқа устунликларга эришишга мойиллик ўрнини аста-секин мулойимлик, мулоҳазакорлик, тўғрилик ва ҳалоллик эгаллаб боради. Муомала маданияти ҳикмат даражасига етиб бориб, инсон зийнатига айланади. Турли ёшдаги биродарлар, турфа касб эгалари, аввало аҳолига хизмат кўрсатишга масъул бўлган юртдошлар менинг юқоридаги фикр-мулоҳазаларимдан тўғри хулоса чиқариб олишларини истардим.

Тўғри, бугунги ҳаёт ҳар биримизда нафақат муомала одобида, балки ҳар бир хатти-ҳаракатда покизаликни талаб этади. Саъдий Шерозийдек улуғ мутафаккир айтганидек:

*Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,*
*Ҳикмат сўзи билан тузолмас иши.*
*Нур ёғар насиҳат сўзламаса ҳам*
*Туриши ибратдир покиза киши.*

Демак, агар маънан покиза бўлсак, турли тартиб-қоидалар, панду насиҳатларсиз ҳам ҳаётда ибрат даражасидаги зийнатга эриша оламиз. Шундагина юксак маънавиятнинг қадрига етиб, ҳаётдан муносиб сабоқ оламиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

**РОСТ СЎЗНИНГ ҲИКМАТИ ВА ЁЛҒОНЧИЛИК ҲАСРАТИ**

*Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,*
*Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.*

***

*Тилинг бирла кўнглингни бир тут.*
**Алишер Навоий.**

***

*Одобнинг боши – тил.*
**Маҳмуд Қошғарий.**

***

*Ўз тилини идора қилолмаган одамда ҳақиқат бўлмайди.*
**Махатма Ганди.**

***

*Ҳумрайиб ҳар кимса аччиқ сўзлагай,*
*Дўстлари ундан қочишни кўзлагай.*
**Фаридиддин Аттор.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ҚАДИМ БУХОРОНИНГ СЕРГАК ПОСБОНЛАРИ

***Шу йилнинг 8 январга ўтар кечаси Бухоро шаҳри ҳудудида хизмат ўтаётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони 3-отряди милиционерлари, кичик сержант К. Муҳаммедов ва сафдор З. Рўзиев рация орқали шошилинч хабар олишди. Маълум бўлишича, кимдир «Элдорадо» дискобарига келган F. Муаззамнинг сумкасидан 170 минг сўмлик уяли телефонини ўғирлаган эди. Автопатруль экипажи дарҳол ўша томонга йўл олди. Дискобарга яқинлашишганда, бир йигитнинг милиция машинасини кўриб қочишга тушганини кўришди. Унга етиб олиб, тўхтатиб текшириб кўришганида, ёнидан «Нокия» русумли уяли телефон топилди. Жабрланувчи бу ҳақиқатан ҳам унинг ўғирланган телефони эканлигини айтди. У йигит 2002 йилда ҳам ўғрилик жинояти учун судланган Ҳ. Умид бўлиб чиқди.***

Эртаси куни тушга яқин шаҳарнинг 3-маъмурий ҳудудида осойишталикни таъминлашга жалб қилинган мазкур батальоннинг оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус отряди ходимлари кичик сержант Х. Шодмонов ва сафдор А. Рашидов икки талончини қўлга олишди. Улар куппа-кундуз куни Д. Шинаранинг уяли телефонини тортиб олишган эди. Телефон эгасига қайтарилди. Зўравонларга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Ҳа, Бухоро вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони ходимларининг иш кунлари ҳар доим ҳам сокин, тинч ўтавермайди. Улар ҳар қандай вазиятда ўғри, талончи, босқинчи, ҳатто қуролланган қотил билан юзма-юз келишга, уни қўлга олишга тайёр туришлари лозим. Шунинг учун батальон шахсий таркиби билан ўқув машғулотлари чоғида қўл жангига, ўз-ўзини фаол ҳимоя қилиш машқларига алоҳида эътибор берилади. Патруль-пост хизмати ходимларининг ўз йўналишидаги шарт-шароитни, қолаверса, шаҳардаги тезкор вазиятни пухта билиши муҳимдир. Шу сабабдан улар ҳар гал хизматга чиқиш олдидан маъмурий ҳудудга оид маълумотларни чуқур ўрганишади. Шунингдек, муайян ходим кетма-кет бир неча марта битта йўналишда хизматга жалб этилади. Шунда у ўз йўналишидаги вазиятни яхшироқ ўрганади. Пиёда патруллик гуруҳи ёки автопатруль экипажида албатта ҳеч бўлмаганда битта тажрибали ходим бўлиши лозимлиги, психологик жиҳатлар ҳам ҳисобга олинади.

Хизмат самарадорлигини ошириш, мавжуд куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш учун криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориш керак. Масалан, жиноятлар асосан қайси кунларда, сутканинг қайси вақтларида ёки қайси маъмурий ҳудудларда юз бераётганини назарда тутиш муҳимдир. Ҳар куни шу каби барча жиҳатлар ҳисобга олиниб, Бухоро шаҳар ИИБ раҳбарининг қарори асосида постлар белгиланади. Кундузи ҳудудда бошқа соҳавий хизматлар вакиллари ҳам иш олиб боргани учун, тунги пайтда автопатруль экипажлари кучайтирилади.

Баъзан бир қарашда оддий хусусиятдек туюладиган синчковлик, кузатувчанлик ҳам жиноятларни очишда қўл келади. Масалан, 6 февраль куни шаҳарнинг Сомонийлар боғида хизмат ўтаётган сафдор А. Тангриев истироҳат боғи ичидаги кўл бўйида тилла занжирни қўлида ўйнаб келаётган қизга эътибор қилади. Гумонланиб суриштириб кўрганида, баҳоси 350 минг сўмлик бу тақинчоқни Мустақиллик кўчаси 44-уйдаги хонадонларнинг биридан ўғирлагани маълум бўлади.

Жорий йилнинг 26 апрелида «Қидирув» тезкор тадбири чоғида ППХ ходимлари жиноят содир этиб, тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаб юрганлиги учун қидирувда бўлган фуқарони қўлга олишади. 7 май куни бўлса, катта сержант У. Чориев ва сержант Р. Тўраев «Дилкушо» бозорида пешкулик Ф. Нодирбек ҳамда Қ. Муҳриддин ўғирлик молларни – иккита уяли телефон аппаратларини тегишли ҳужжатларсиз сотаётганларида жиноят устида қўлга туширишади.

Маълумки, ППХ ходимининг кундалик фаолиятини фуқаролар билан мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўча-кўйда одамлар ишонганлари, суянганлари, яқин олганлари учун милиция ходимларига оддий саволлар билан ҳам мурожаат этишлари мумкин. Бундай пайтларда хушмуомалалик осойишталик посбонларининг обрў-эътиборини оширади. Қолаверса, улар нафақат жабрдийдаларнинг, балки гумон қилинувчилар, айбланувчиларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари, таъминлашлари зарур. Шунинг учун ҳар сафар йўриқнома чоғида шахсий таркибга касб одобномасининг талаблари эслатилади. Зеро, оддий фуқаро зиёратга келган меҳмон ёки хорижлик сайёҳ ППХ ходимининг муомаласига қараб барча ички ишлар идоралари ходимларига баҳо бериши мумкин. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Эркин ФОЗИЛОВ,**
**капитан.**
**Бобомурод ТОШЕВ.**
*Бухоро вилояти.*

**Шовот тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимлари аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, қўриққа олинган масканларни ишончли муҳофаза қилишдек вазифаларни шараф билан уддалашмоқда.**

## ҲУШЁР ҚЎРИҚЧИЛАР

Ходимлар олиб бораётган ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, қўриқланаётган масканлар ҳамда фуқаролар хонадонлари техник қўриқлаш пульти навбатчи-оператори томонидан мунтазам кузатувга олинганининг гувоҳи бўлдик. Бўлинма бошлиғи, капитан Ғайрат Юсупов корхона, ташкилот ва банк муассасаларида ходимлар фаолиятини назорат қилаётган экан. Айниқса, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамиятининг Шовот тумани филиалидаги синчковлик эътиборимизни тортди. Корхонага кираётган ҳамда у ердан чиқаётган ҳар бир транспорт воситаси диққат билан кўздан кечирилмоқда. Омборхона ҳудудини назорат қилаётган йигитлар Рекс лақабли хизмат ити ёрдамида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришяпти. Жамоа раҳбарияти билан суҳбатлашганимизда улар ходимлардан мамнун эканликларини айтишди.

– Шу кунга қадар туман бўйича 39 та маскан қўриққа олинган бўлиб, 27 таси техник қўриқлаш пульти назоратида, – деди капитан Ғайрат Юсупов. – Кейинги пайтда фуқаролар ўз хонадонини қўриқлаш хизматига топшириши ҳам сезиларли даражада ошди. Бу албатта, аҳолининг бизга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

Соҳа ходимлари тезкор ҳолатни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ҳам фаол иштирок этишяпти. Шу йилнинг биринчи чораги мобайнида бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда 9 та жиноятни фош этишди.

Қўриқланаётган масканлар ҳудудида турли маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун 49 нафар шахсга нисбатан баённома тузилиб, улар қонуний тартибда жавобгарликка тортилди. Шу ўринда бир мисол келтирсак.

Шовот туманидаги Қиёт қишлоғида жойлашган «Умрбек» кичик корхонасига қарашли уншоли тегирмонидан Қаҳрамон Қурбоновга тегишли 19 қоп гуруч ғойиб бўлди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида муқаддам бир неча бор судланган, хонқалик А. Бобохон далилий ашё билан қўлга олинди. Жиноятни очишда қўриқлаш бўлинмаси техник қўриқлаш пульти милиционери, кичик сержант Маҳмуд Собиров ҳам фаол иштирок этди.

Туман ИИБ раҳбарияти масканларни қўриқлаётган қоровулларнинг ҳушёрлигини ошириш мақсадида тунги рейдлар уюштираяпти. Ушбу текширувлар давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хизмат вазифасига совуққонлик билан қараётган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш мақсадида тегишли ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар юборилмоқда.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган бўлинма ходимларининг ҳушёрлиги туфайли бир неча йилдирки, қўриқланаётган масканларда жиноят ҳамда ёнғинлар содир этилишига йўл қўйилмади.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

# НИГОҲЛАРГА НУР УЛАШИБ...

***Қашқадарё вилояти ИИБ поликлиникаси кўз касалликлари шифокори Гулбаҳор Мажидова тажрибали шифокорлардан. Шунинг учун бўлса керак, ҳамкасбларининг ҳурмат-иззатида доим. У 35 йиллик иш фаолияти давомида неча-неча инсонлар кўзига нур бахш этди.***

Инсон болалигиданоқ орзу қила бошлайди. Биров «Катта бўлганимда қурувчи бўламан, чиройли бинолар қуриб одамларни хурсанд қиламан», дейди. Яна кимдир учувчи бўлишни орзу қилади. Кейинроқ бу орзулар ўзгариши ҳам мумкин. Бизнинг қаҳрамонимиз Гулбаҳор опа эса болалигида шифокор бўлишни орзу қилган экан. Дугоналари билан ўйнаганда шифокор ролига кириб олиши, оқ халатли ҳамширалар ортидан ҳавас билан тикилиб қолиши ота-онасига сир эмасди. Йиллар ўтиб, болалик орзуси уни Самарқанд тиббиёт институтига етаклаб келди. Табиийки, ота-она бунга қаршилик кўрсатмади. 1974 йили шифокорлик касбини эгаллаб, она шаҳри Қаршига қайтган Гулбаҳор опа илк иш фаолиятини 2-болалар поликлиникасида бошлайди. Бу ерда анча йиллик тажрибага эга бўлган Тамара Бўриева ёш шифокорга ўз касби сир-асрорларини ўргатади.

«Шифокор учун қандай сифатлар, жиҳатлар муҳим бўлса, барчасини Тамара опадан ўрганганман. У кишининг фидойиликлари, шогирдларига нисбатан талабчанликлари, ҳар бир нарсани эринмай тушунтириб, кўрсатиб берганликлари учун бугун шу даражага етдим», дейди қаҳрамонимиз ўз устозини эҳтиром билан ёдга олиб.

Аёл – назокат, нафосат рамзи. Шу билан бирга, зиммасидаги масъулиятининг салмоғи ҳам анчагина. У бирор жойда ишлайдиган бўлса, нафақат ишини, балки оила бекалигини ҳам бекаму кўст адо этмоғи, фарзандларини комил инсон қилиб тарбияламоғи лозим. Гулбаҳор опанинг оиласига барча ҳавас билан қарайди. Бири ўқитувчи, бири ҳамшира бўлган қизлари бугун ўз хонадонларининг фариштали бекаси, ўғли эса бахтли оиласи бошлиғи. Турмуш ўртоғи эса умр йўлларида опага таянч, суянч, маслаҳатгўй бўлиб келаяпти.



Олий тоифали шифокор Гулбаҳор Мажидованинг шогирдлари ҳам талайгина. Уларнинг айримлари ҳозирда ҳатто устозлик даражасига етган. Опадан бу ҳақида сўраганимизда, ҳамшира Ирина Шукурова, Феруза Сафарова, Кимё Нормуродоваларни ўзгача меҳр билан тилга олдилар.

– Тўғри, мен устозларимдан олган сабоқларимни, узоқ йиллик иш фаолиятим давомида орттирган тажрибамни уларга ўргатишга ҳаракат қилаяпман. Лекин шогирдларим ҳаётда қандай ютуқларга эришишган бўлса, биринчи галда ўз интилувчанлиги, тиришқоқлиги туфайли эришишган, – дейди Гулбаҳор опа.

Бу сўзлар бевосита қаҳрамонимизнинг ўзига ҳам тааллуқли. Чунки аввало, кишининг ўзида интилиш, қобилият бўлмаса, уни ҳеч қандай аллома устоз моҳир мутахассисга айлантира олмайди.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

**Суратда:** ***олий тоифали шифокор Г. Мажидова (ўнгда) катта ҳамшира И. Абдуллаева билан.***

ОДАМ САВДОСИ-ЖИНОЯТ




**Ҳеч ўргимчак тўрига эътибор қилганмисиз? Авваламбор, у бир қарашда кўзга ташланавермайди, лекин чиройли тўқилган бўлади, мабодо ёруғлик тушгудай бўлса, бирам товланадики. Мактабда муаллимимиз унинг толаси ипак толасидан бир неча марта мустаҳкам, чидамли бўлади, дегандилар. Ўргимчак усталик билан тўқиган тўрининг қай бир нуқтасига ўлжа тушмасин, илинмасин, шу заҳоти пайқайди...**

Мастура (исмлар ўзгартирилган) икки марта турмуш қуриб ажрашгач, кўнгли хориж сафарини тусаб қолди. Тўрт боласини ота-онасининг қарамоғида қолдириб, 2001 йилнинг ноябрида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)нинг Дубай шаҳрига боради. Бу ерда 2003 йилнинг май ойигача яшаган. Бу даврда бегона юртда нима билан машғул бўлгани, қандай тирикчилик ўтказгани ўзига аён. Ушбу сафар ёқиб қолган, шекилли, 2006 йилнинг февраль ойида яна мазкур мамлакатга келади. Фақат бу гал ҳужжатлари жойида бўлмагани учун БААдан депортация қилинади.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, ҳар гал хориж хумори тутганида ўзини қаерга қўйишни билмасди. Борай деса, қоидабузарлик содир этганлиги сабабли қайтиб у юртга қўйишмайди. Қолаверса, ёши ҳам ўтаяпти. Шунда ўйлаб-ўйлаб, оҳанграбодай ўзига чорлаётган мамлакатга катта қизи Мухлисани юборишга қарор қилади. Бу режаси амалга ошгач, орадан икки йилча ўтиб, яна бир маккорона фикр хаёлига келади. «Мен бу ердан содда, кўҳлик қиз-жувонларни Дубайга жўнатиб турсам, Мухлиса уларни фоҳишахоналарга жойлаштирса, фойдани бўлишиб олсак», деб ўйлаб қолади. Телефонда гаплашганида, бу таклиф қизига ҳам маъқул келади.

Ана шундан кейин Мастура макр тўрини тўқий бошлайди. У Навоий шаҳридаги қўни-қўшниларига, таниш-билишларига гап орасида «Қизим Дубайда ишлаяпти. Бошқа қиз-жувонларни ҳам ишга жойлаштириш қўлидан келади», деб қистириб ўтади. Орадан кўп ўтмай тўқиган тўрига дастлабки иккита ўлжа илинади. Гулшод исмли суқсурдеккина қиз унинг олдига дугонасини эргаштириб келади. Мастура уларга Дубайда нима иш билан шуғулланишларини айтиб, ҳужжат тўғрилаш учун паспортларини олиб қолади.

2008 йилнинг сентябрь ойи ўрталарида қизларни олиб, таниши Зеби ҳамроҳлигида Тошкентга йўл олади. Пойтахтга келгач, «Отчопар» бозоридан қизларга чиройли кийимлар сотиб олади. Сўнг «Матиз» русумли машинага ўтириб Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига чегарадош ҳудудга етиб келишади. Зеби шу ерда қолади. Мастура бўлса айланма йўллар билан қизларни Қозоғистон ҳудудига олиб ўтади. Сўнг «Мерседес – 600» русумли машинага ўтириб, уч-тўрт соатча йўл босишади. Шу орада Мастуранинг режаси ўзгаради. «Булар қачон Дубайга боришадию, қачон уларга сарфлаган пулларимни чиқариб оламану, қачон менга фойдадан улуш тегади. Яхшиси қизларни шу ерда кимгадир сотиб юборсам-чи», деб ўйлаб қолди.

Бир каттакон бозорга етиб келишгач, қизларни тушириб, сизлар шу ерда кутиб туринглар деб тайинлаб, ўзи ўша машинада бир танишиникига йўл олди. Қизлар бирор соатча кутишгач, ёнларига бир машина келиб тўхтади. Ундан тушган қозоқ йигит ўзини Жаннат деб таништирди. Маълум бўлишича, Мастура уларни қозоқ йигитга ҳар бирини 700 АҚШ долларидан пуллаб кетган экан. «Энди ҳар биринг фоҳишалик қилиб менга камида бир минг икки юз доллардан ишлаб беришларинг керак», деди ҳалиги йигит...

Дастлабки ови бароридан келиб, руҳланиб кетган Мастура макр тўрини янада кенгроқ ёйди. Орадан икки ойча ўтиб, унга галдаги ўлжа илинди. 2008 йил ноябрь ойи бошларида Дилноза исмли қиз Мастурадан ёрдам сўраб келди. «Бир қариндошимнинг айтишича, сиз чет элга ишга юбориш масаласида ёрдам бера олар экансиз», деди. «У ёқда нима иш билан шуғулланишингизни биласизми? Эркакларнинг кўнглини овлашингиз керак бўлади. Ҳар куни 1500 АҚШ доллари топишингиз мумкин. Фақат бу гаплар ўртамизда қолсин», деди Мастура.

Дубайда бирор-бир ҳалол иш билан машғул бўлсам керак деган хаёлда келган Дилноза бу гапни эшитиб ҳангу манг бўлиб қолди. Аммо сир бой бермади. Гулдай қизларнинг шаънини булғайдиган аёлнинг қилмишини фош этишга аҳд қилди. Унинг таклифига розилигини айтиб, шу куниёқ бу ҳақда ички ишлар идорасига ёзма ариза берди. Шундан сўнг Навоий вилояти ИИБ тезкор ходимлари ва вилоят МХХ бошқармаси вакиллари ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказиш режаси ишлаб чиқишди.

2008 йил 6 ноябрь куни соат 14.00 ларда автотрассанинг Навоий вилоятидан Самарқанд вилоятига ўтиш қисмидаги ЙПХ масканида «Нексия» русумли автомашина тўхтатилди. Машина салонида Мастура, Дилноза бор эди. Дастлабки суриштирув чоғида Мастура Тошкентга кетаётганини айтди. Фақат Дилнозанинг кўрсатмаларидан сўнг ва бошқа ашёвий далиллар тақдим этилгачгина асл мақсадини тан олди. У Дилнозани Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри орқали Дубай шаҳрига жўнатишни режалаштирган эди. Шу тариқа маккора аёлнинг жиноий қилмишига чек қўйилди.

Мастура одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш жиноятини содир этгани учун жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ҳукмига кўра 5 йилу 10 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Таниши Зебиға эса жиноят ҳақида хабар бермагани учун маъмурий чора кўрилди.

Уйнинг бирор бурчагига ўргимчак тўр тўқийдиган бўлса, бу бехосият бўлади деб дарҳол супурги билан олиб ташлашади. Турли шакл-шамойилдаги жиноятчиларнинг усталик билан тўқиган макр тўрларини ҳам дарҳол қонун кучи ёрдамида йўқ қилиш керак. Токи маҳаллаларимизга, хонадонларимизга наҳс, фаҳш, турли кўнгилсизликлар ораламасин.

**Феруزжон ҲАМРОЕВ,**
**Навоий шаҳар ИИБ ТБ бўлинма бошлиғи, майор.**
**Бобомурод ТОШЕВ, журналист.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҒАРАЗГЎЙ ДЎСТ ҚИЛМИШИ

***Ғайратни машинада ғиз этиб ўтиб кетганини кўрган Шермат унинг ортидан ғижиниб қолди. Нега энди Ғайрат данғиллама уйда яшайди, тагида «иномарка», доим пўрим кийиниб юради? Шермат-чи? Кеча сигаретга пул тополмай хотинига ялинди. Кун чиқса ҳам, ой чиқса ҳам Ғайратга. Шерматга бирор юлдуз ҳам боқмайди. Ичидан ёниб турган Шерматнинг ёнига бир таниши келиб:***

– Дўстинг Ғайрат жуда яхши йигит-да, бир иш билан олдига боргандим йўқ демай дарров ҳал қилиб берди. Омадини берсин, – деди.

Буни эшитиб Шермат аламдан дод деб юбораёзди. Шу пайт ёнига машина келиб тўхтади.

– Нима қилиб турибсан? – деган таниш овоз эшитилди. Бу Ғайрат эди.

Шермат жавоб бериш ўрнига машинага чиқиб олди-да:

– Жуда бош оғрияпти, пиво ичайлик, – деди.

– Юр бўлмаса, бирга овқатланамиз, менинг ҳам қорним очди, – деди Ғайрат ва дўстини номдор ошхонага олиб борди.

Столда тансиқ таомлар, қимматбаҳо ичимликлар пайдо бўлди. Шермат кетма-кет арок ичиб, сал кайфи ошгач турмушидан нолий бошлади.

– Ўзинг бир жойда қўним топиб ишламайсан. Ана, Муродни қара, у билан битта ишхонада эдинг. Рўзғори бут, машина оляпти. Сен ҳам қийинчиликка чидаганингда ҳозир нолиб ўтирмасдинг, – деди Ғайрат дўстига ачиниб.

Ғайратнинг бу сўзлари Шерматга тикандай ботди. Унга дўст эмас, бир ғаним ўтиргандай қаради. Шу пайт Ғайратнинг бир таниши келиб қолди.

– Айтган молинг тайёр, худди ўзинг истагандай бўлди, – деди у Ғайратга.

– Ҳозирча манави пулларни ол, қолганини эртага молга борганимда бераман, – деди Ғайрат ёнидан бир даста пул чиқариб.

– Ҳозир бир жойга кетяпман, эртага ҳаммасини олиб боракол, – деди йигит фотиҳага қўл очиб.

Ғайрат уни кузатиб келди. Шерматнинг хаёлидан бир даста пул кетмай қолди. Энди у қандай қилиб пулни қўлга киритишни ўйларди. Дўсти табиатан қувноқ бўлгани учун очилиб, кулиб, латифалар айтиб ўтирди. Шермат бўлса зўрмазўраки илжайиб, ўзини сипо тутишга ҳаракат қиларди. У Ғайратни зўрлаб бўлса-да ичишга ундарди. Қаҳвахонада одам сийраклаша бошлаганда улар ҳам қўзғалишди. Ғайрат бироз кўпроқ ичиб юборгани учун озгина гандиракладди. Бу айни муддао эди.

Машина Шерматнинг уйи дарвозаси олдида тўхтади. У пайт пойлаб Ғайратнинг бўйнига ёпишди ва бўға бошлади. Гарчи Шерматдан анча гавдали, бақувват бўлса-да, Ғайрат бир икки типирчилади-ю жимиб қолди.

Атрофга аланглаб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган Шермат машинадан тушиб, уйнинг дарвозасини очди. Кейин машинани ҳайдаб, ичкарига олиб кирди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Хотини аразлаб, болаларини олиб ота уйига кетиб қолган. У дарвозани ёпди-ю, Ғайратнинг ёнидаги пулларни олди. Нақ беш минг «кўки». Бунча пулни бир йил бели букилиб ишласа ҳам тополмайди.

Бироз мизғиб, кайфи тарқаган Шермат қилган ишидан қўрқиб кетди. Энди жиноятнинг изини йўқотиш керак. Тонг отса ҳаммаси ошкор бўлади. У жасадни машина юкхонасига жойлаб, йўлга тушди. Бирор овлоқ жойга олиб бориб ташлайди. Шу топда миясига келган фикрдан ўзи қувониб кетди. Тепаликка, «Тегирмон» қаҳвахонасига олиб чиқади. Кейин Ғайратни рулга ўтказиб, машинани пастликка қўйиб юборади. Бу ишни бир амаллаб бажарди. Ҳайтовур атрофда ҳеч ким кўринмади.

– Тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борганда машина чуқурда ётарди, – дейди Жиззах тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили Бахтиёр Сатторов. – Дастлаб биз ҳайдовчи маст ҳолда рулни бошқаролмай, чуқурликка тушиб кетган бўлса керак, деган хулосага келдик. Аммо экспертлар у бўғиб ўлдирилганини аниқлаганларидан кейин жиноятни яшириш учун атайлаб автоҳалокат уюштирилгани маълум бўлди. Яна бир томони, тепаликда жойлашган қаҳвахона ўша кунлари ишламаётган эди.

Тезкор-тергов гуруҳи жасаднинг шахсини аниқлагач, унинг жиноят содир этилган куни қаерда, ким билан бўлгани ҳақида суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Гуруҳга профилактика инспектори Р. Бахтиёров ҳам жалб қилинди.

– Ҳар бир жиноятни «иссиқ изида» очишга ҳаракат қиламиз, – деди Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник М. Мирзиёев. – Ҳамма ишни тезкор-тергов гуруҳига ташлаб қўйиб, бошқалар бемалол ўтирмайди. Идорадаги ҳар бир ходим имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қилади. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деб бежиз айтишмайди. Хизматларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари боис, жиноятлар тезда очилиб, айбдорлар қўлга олиняпти.

Шермат ўша куннинг ўзида қўлга тушди. Қилган ишидан қанчалар пушаймон бўлмасин, энди кеч эди. Ғаразгўйлик инсонни яхшиликка олиб бормайди. Шу боис ҳасад эмас, ҳавас билан яшаш керак.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

***Данғарада юз берган воқеадан огоҳ бўлдиму беихтиёр узоқ йиллар муқаддам босилган антиқа хабар ёдимга тушди. Россия шаҳарларидан бирида ўғрилар кўп қаватли уйларга атайлаб эълон ёпиштириб кетишибди. Эълонда улар ўзларини санэпидстанция ходимлари қилиб кўрсатишган, хонадон соҳибларидан иложи бўлса, эртаси куни ҳеч қаёққа кетмасликни, ҳар бир хонадонга кириб, сувараклapга қарши ишлов беришларини ёзишган. Уйда бўлишнинг имкониятини тополмайдиган фуқаролардан эса эшик тагига дори учун идиш қолдиришларини сўрашган.***

# БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Табиийки, кўпчилик бу эълоннинг шунчаки макр эканини хаёлига ҳам келтирмабди. Ўғрилар эса қайси эшикнинг тагида идиш турган бўлса, ўша хонадонни бемалол шип-шийдам қилиб кетишибди...

Қарангки, текинтомоқликни касб қилиб олган данғаралик М. Мирзанинг ҳийласи ҳам уларникидан асло қолишмайди. У ўзгаларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш, шу йўл билан фуқароларнинг мол-мулкини эгаллашнинг антиқа йўлини ўйлаб топди.

Ўзи вақтинча фойдаланаётган фуқаро У. Толибнинг номидаги «Москвич-412» русумли автомашинага ҳамтовоғи Р. Фаррухни ўтқизиб, «Ўш–Тошкент» автомобиль йўлидаги бекатга келди.

– Йўл-йўлакай Ангренга кетяпмиз. Агар хоҳласангиз, арзонроқ нархда олиб кетамиз, – деди машина кутиб турган икки нафар аёлга.

Табиийки, бундай таклиф узоқ йўлга чиққан аёллар учун айни муддао эди.

Кейинчалик тергов жараёнида жабрланувчи деб эътироф этилган Т. Нозима ва А. Гавҳар ҳам фирибгарларнинг макр тўрига илиндиларқолдилар. Худдики салгина ҳаяллашса, бошқа йўловчилар машинани эгаллаб оладигандек шоша-пиша оғир-оғир сумкаларини машина юкхонасига жойлашди.

Аёллар орқа ўриндиққа ястаниб ўтириб олгач, ҳайдовчи машинага газ берди. Аммо кўп юрмай, аниқроғи, Данғара шаҳарчасидан чиқаверишдаги газ қуйиш шохобчасига яқинлашганда тўхтади.

– Озиқли от хоримас дейдилар. Опажонлар, беш дақиқага пастга тушиб турасизлар энди, «заправка» қилиб олайлик, – деди М. Мирза.

– Вақтимиз бемалол, ҳеч хижолат бўлманг, – дейишди аёллар.

Халқ орасида ҳазил аралаш бир гап юради: агар ўнта эркак бирга ўтирган бўлса, биттаси гапиради – тўққизтаси тинглайди. Аёллар эса гапдонликда улардан ўзгачароқ. Ўнта аёл тўпланиб қолса, ҳаммаси баравар гапириб, баравар эшитади.

Жабрланувчилар ҳам шу тоифадан эдилар. Улар бир чеккага ўтиб, роса валақлашди, ҳамма нарсани – ҳаттоки машина газ қуйиш учун шохобчага кириб кетганини ҳам унутишларига бир баҳя қолди.

Ниҳоят, ҳушёр тортиб қарашса, киракаш ҳайдовчидан ҳам, юклари ортилган автомобилдан ҳам номнишон йўқ. Ўзларича у ёқ, бу ёққа югургилаб, фирибгарларни топишга ҳаракат қилиб кўришди – фойдаси бўлмади. Шундан кейингина ички ишлар идорасига кириб келишди.

Ҳайриятки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари бесамар кетмади. Фирибгарлар аниқланиб, ушланди. Улардан жабрланувчиларга тегишли буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**
*Фарғона вилояти.*

*Севаранинг ҳаракатларини кузатган ҳайъат аъзолари, бу қизнинг келажакда жаҳон ареналарида ҳам маҳорат кўрсатишига шубҳа қилмадилар.*

# РАҚИБЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида оммавий спорт тадбирлари ўтказилди. Тантанали очилиш маросимида Академия бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, генерал-майор Ж. Фозилов сўзга чиқиб, мусобақанинг юксак аҳамиятини таъкидлади ва тадбир қатнашчиларига улкан зафарлар тилади.**

Мусобақанинг биринчи босқичи футбол ўйинлари билан бошланди. Кескин ва муросасиз тарзда ўтган курашда 4-ўқув курси тингловчилари голибликни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 3 ва 1-ўқув курси тингловчиларига насиб этди.

Иккинчи босқич ўйинлари тўрт йўналишда ўтказилди. Жамоалар 12 гуруҳга бирлашган тарзда ўзаро беллашдилар. Мусобақаларнинг 4x100 метр масофага эстафетали югуриш, арқон тортиш баҳсларида 8-гуруҳ жамоаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Иккинчи ўринни 9-гуруҳ, учинчи ўринни эса 3-гуруҳ аъзолари эгаллади.

Аёллар ўртасида узунликка сакраш бўйича якка ғолибликда 1-ўрин сержант М. Мансуровага, 2-ўрин сафдор С. Бакаевага, 3-ўрин катта лейтенант А. Қурбановага насиб қилди. Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақанинг ушбу турида 1-ўринни катта лейтенант Ж. Иргашев, 2-ўринни майор К. Каспаев, 3-ўринни майор Х. Юлдашев эгаллади.

Аёллар ўртасида Макаров тўппончасидан отиш мусобақасида сержант М. Мансуровага тенг келадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни катта лейтенант А. Қурбанова ҳамда сержант М. Турғунбоева эгаллади. Эркаклар ўртасида эса подполковник А. Матчанов голиб бўлди. 2-ўринни майор Д. Раҳмонов, 3-ўринни майор Х. Юлдашев қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар ва спортчилар Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Т. ҚУРБОНОВ,**
**подполковник.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ алоҳида махсус дивизиони катта инспектори, капитан **Баҳодиржон МАМАРАСУЛОВ**ни таваллуд куни билан самимий муборакбод этамиз.

Эзгу ниятларингиз йўли узун ва равон бўлсин, бу йўлда омад деб аталмиш яшил чироқ доимо ёниб турсин, оилавий саодатга етишишингизда Сизга фақат оқ йўл тилаб қоламиз.

Эҳтиром билан

**Бир гуруҳ дўстларингиз ва ҳамкасбларингиз.**

ДЗЮДО

# ДИЛШОД — ФАХРИМИЗ



**Бугун фахр, ғурур билан айта олишимиз мумкинки, ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлаб, Ўзбекистон шаънини дунёга таратишмоқда.**

Лавҳамиз қаҳрамони ИИВ Қоровул қўшинлари сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган кичик сержант Дилшод Чориев ҳам ана шундай спортчилардандир. У полвонлар юрти бўлмиш Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилиб вояга етди. Болаликдан спортга, курашга меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган пайтларида устозлари Рашид Бўриев ва Акром Шаймановлардан курашнинг сир-асрорларини пухта ўрганди. Туман ва вилоят миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Мактабни тамомлагач, Чирчиқ олимпия захиралари коллежида спортнинг дзюдо кураши бўйича устозлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Север Муродасилов ва Соҳиб Рўзимуродовлардан таълим олди.

Дилшоднинг тинимсиз қилган машғулотлари бесамар кетмади. 2004 йилда Осиё чемпиони, дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 2006 йилда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган иккинчи Умумармия ўйинлари ғолиби бўлди.

Жорий йилнинг 23-25 май кунлари Хитойнинг Тайпей шаҳрида дзюдо кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионати мусобақасида иштирок этган Дилшод Ўзбекистон терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

— Орзуим дзюдо кураши бўйича август ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, юртимиз байроғини янада баланд кўтариб мустақил Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишида ўз ҳиссамни қўшсам,— дейди Дилшод биз билан суҳбатда.

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**катта сержант.**

**Суратда:** ***спорт устаси Дилдош Чориев.***

ФУТБОЛ

# ТЕНГ КУРАШЛАР ОСТИДА

**Қашқадарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 24 жамоа ўзаро ғолиблик учун майдонга тушдилар.**

Кескин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда кечган мусобақада ҳар бир жамоа вакиллари ғолиб бўлиш учун ўз маҳорат ҳамда тажрибаларини ишга солдилар. Ҳудудий гуруҳлараро беллашувларда вилоят ИИБ махсус отряди, Қўриқлаш бошқармаси ва МХХБ вакиллари ғолибликка даъвогар бўлишди.

Финал баҳсида дастлаб бошқарма махсус отряд йигитлари ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Сўнгра, Қўриқлаш жамоаси футболчилари ташаббусни қўлга олди. Дастлаб, сафдор Бобир Мажидов ҳисобни очди. Шундай кейин ҳар иккала жамоа дарвозалари олдида хавфли вазиятлар тез-тез содир бўлиб турди. Махсус отряд ҳужумчиси тепган тўпни Қўриқлаш бошқармаси футболчиси қўли билан қайтарди. Ҳакам томонидан белгиланган жарима тўпини дарвозага жойлаган сержант И. Назаров ҳисобни тенглаштирди.

Қўриқлаш бошқармаси футболчиси, сафдор Беҳзод Салимов рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Биринчи бўлим охирлаганда яна шу жамоадан сержант Аҳрор Шарапов рақиб дарвозасини нишонга олиб, ҳисобни 3:1 га етказди.

Ўйин тугашига беш дақиқа қолганда сафдор Бобир Мажидов рақиб дарвозасига яна тўп киритиб, дубль муаллифига айланди ва 4:1 ҳисоби билан Қўриқлаш бошқармаси футболчилари ғолиб бўлишди.

Шундай қилиб, вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси жамоаси биринчи, вилоят ИИБ махсус отряди иккинчи, МХХБ футболчилари учинчи ўринларни банд этишди. Ғолиблар вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

УМИД НИҲОЛЛАРИ

# СЕВАРАНИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

***Таассуротларга бой бўлган, Гулистон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида иштирок этган ўғил-қизлар орасида ички ишлар ходимларининг фарзандлари ҳам борлиги, совринли ўринларни эгаллагани қалбимизни ғурурга тўлдиради. Бу ички ишлар ходимлари фарзандлар тарбиясида ота-оналик бурчларини ҳам яхши бажараётганлигидан далолатдир.***

Гулистон шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Севара Мисирова болалигидан бадиий гимнастика ва сузиш спорти билан шуғулланиб келади. У ўтган йили Таиландда бўлиб ўтган гимнастика бўйича халқаро мусобақада республикамиз терма жамоаси сафида иштирок этиб, совринли ўринни қўлга киритди.



«Умид ниҳоллари» мусобақаларида Севара Сирдарё вилояти шарафини ҳимоя қилди. Севаранинг ҳаракатларини кузатган ҳайъат аъзолари, бу қизнинг келажакда жаҳон ареналарида ҳам маҳорат кўрсатишига шубҳа қилмадилар. Севара «кичик олимпиада» номини олган спорт ўйинларида совринли ўринни эгаллаб, диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Дарвоқе, Севаранинг отаси Камолиддин Мисиров Сирдарё вилояти ИИБ ШТБИХ бош инспектори лавозимида хизмат қилади.

– Қизимнинг орзусини амалга ошириши учун барча имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз, – дейди майор К. Мисиров. – Энди уни пойтахтимиздаги нуфузли спорт мактабларига ўқишга олиб бораман. Қизимни гимнастика бўйича республика терма жамоасига яна таклиф этишяпти. Унинг баркамоллиги бутун оиламиз бахти.

Ана, қушдай енгил учиб Севара машқ бажаряпти. Парвозинг баланд бўлсин, Севара!

**Ўз мухбиримиз.**
**Н. ЙЎЛДОШЕВ**
**олган сурат.**

АҚЛ ЧАРХИ

Ўтган сонда берилган машқларга газетхонлардан кўпгина вариантли жавоблар олдик. Аксарият мухлисларимиз биринчи машққа **Рух С8** ёки **Шоҳ В6** юришини танлашган. Аммо бу юришда қора **Рух F4** даги пиёдани уриб олиши ва кейинги юришда қора **Шоҳ Е5** га кўчиш имкони юзага келади. Иккинчи машққа тўғри жавобни фаол мухлисларимиз **ИИВ Академияси ходими, майор К. Каспаев** ҳамда **Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ ЖТСГ катта инспектори, капитан А. Назаров**лар тўғри топишган. Марҳамат, жавобларингизни текшириб кўринг:

**а) 1. Фарзин В1; От Н3**х (Рух F4х. 2. Фарзин В5+). **2. Фарзин Е4+.**
**б) 1. Фарзин Е2; От F8**х (Шоҳ Е7х. 2. Фил С5++). **2. Фил F4+.**

**Навбатдаги машқларда ҳам оқлар бошлаб, иккинчи юришда қораларни мот қилади:**

а)



б)



**ҲУКМ ЎҚИЛДИ**

# ЗУЛМАТГА ЕТАКЛАГАН АЛАМЗАДАЛИК

***Дилшодни қўлдан чиқарган Ботир мутлақо бегуноҳ Мавлоннинг дуч келган жойига пичоқ санча бошлади. Арзимаган келишмовчилик туфайли содир бўлган бу мудҳиш воқеа афсуски Мавлоннинг ўлими билан якун топди. Кимдир ёшгина йигитнинг бу дунёдан анча эрта кетганига ачинса, бошқа биров узоқ муддатга қамалган Ботир ҳақида ачиниб гапирарди. Ҳа, бу ҳаётда ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади.***

Ушбу жиноят иши тафсилоти билан танишар эканмиз, йигитларнинг аччиқ қисматига ачинмасдан бўлмайди. Дилшод ўша куни ўзи ишлаётган, Хивадаги «Гиламчи» касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига стол тенниси бўйича машғулот ўтаётганди. Шу пайт спорт залига уч нафар нотаниш йигит кириб келиб, болаларнинг ҳаракатларини кузата бошлади. Бу эса жисмоний тарбия ўқитувчиси Дилшод Отаназаровнинг асабига тегди.

– Сизлар бизнинг коллежда ўқийсизларми? – сўради у йигитларнинг олдига келиб.

– Йўқ, – кўрслик билан жавоб берди улардан бири.

– Ундай бўлса спорт залидан чиқиб кетинглар. Биз машғулот ўтаяпмиз.

– Чиқмаймиз!

– Унда мажбурлаб ташқарига олиб чиқаман.

Улар даҳанаки жанг қилганча ўқув муассасасининг орқа томонидаги майдонга ўтишди. Йўлдош кутилмаганда Дилшоднинг юзига зарб билан мушт туширди ва қорнига тепа бошлади. Дилшод ўзини ўнглаб олиб, рақибига бир нечта зарба берди ва уни ерга йиқитди. Йўлдошнинг кучи етмаётганини кўрган Ботир укасига ёрдамга шошилди. Хуллас, ака-ука зўравонлар Дилшоднинг таъзирини бера бошлашди. Шу пайт муштлашув бўлаётган жойга коллеж ўқитувчиси К. Ирниязова келиб қолди ва йигитларни ажратмоқчи бўлди. Аммо кучи етмади. У дарҳол коллеж директорининг ўринбосари С. Дўсовни чақирди. Шундан кейингина низо барҳам топди. Йигитлар тарқалишгач, юз-кўзлари жароҳат олган Дилшод уйига боришга уялиб, дўстлари Жавлон ҳамда Жасурга сим қоқиб, бўлган воқеани айтди ва безориларнинг уйини топиб, ота-онаси билан гаплашиб келишларини илтимос қилди. Жавлон ва Жасур йўловчи «Дамас» автомашинасида Хива туманидаги Гандимиён қишлоғига етиб келишди ва йигитларни суриштира бошлашди.

– Йиқилган курашга тўймайди, – деб шунга айтсалар керак-да,– дея ўрнидан туриб кетди буни эшитган Ботир. – У билан эркакчасига гаплашиб келамиз. Токи қишлоғимизга бошқа қадам босмасин!

Ботир ошхонага кирди-да, укаси Йўлдошга сездирмасдан стол устидаги пичоқни олиб чўнтагига солди. Зўравонлар коллежга келишганда Дилшод у ерда йўқ эди. Ботир Зафар исмли ўқувчидан Дилшоднинг уяли телефони рақамини олди ва унга қўнғироқ қилди.

– Коллежга кел, гаплашадиган гап бор, – деди Ботир дағал овозда.

Уйига кетаётган Дилшод дўстлари билан коллежга қайтди. Йўлдош Дилшоднинг ёқасидан ушлаб, хилватроқ жойга тортди. Жавлон уларни ажратиб қўймоқчи бўлди. Шу пайт Ботир Жавлонга: «Тегма, уларнинг ўзаро ҳисоб-китоби бор!» – деди. Яна муштлашув бошланди. Укасининг калтак еяётганига чидолмаган Ботир чўнтагидан пичоқни олиб, Дилшодга ташланди. Муштлашувни томоша қилаётганлардан бири: «Эҳтиёт бўл, қўлида пичоқ бор!» деб қичқирди. Дилшод Йўлдошни силтаб юборди-да, чаққонлик билан қоча бошлади. Кўзлари қонга тўлган аламзада Ботир уни қувишга тушди. Дилшод кўздан ғойиб бўлди. Томошаталаб йигитлар ҳам тумтарақай бўлиб кетишди. Ботир улардан бирига етиб олиб, бир неча маротаба тиғ санчди. Сўнгра бўйнидан буғиб, юрагига пичоқ урди. Футбол ўйнаш мақсадида келган, ҳеч нарсадан бехабар Мавлон юзтубан йиқилди. Укасининг қонга белаиб ётганини кўрган Музаффар зудлик билан уни «Нексия» машинасига ўтказиб, шифохонага олиб кетди. Аммо Мавлон оғир тан жароҳати олгани сабабли йўлда вафот этди.

Воқеа тафсилоти билан танишар эканмиз, ака-ука Ботир ва Йўлдошларнинг кун бўйи бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланмай, безорилик қилиб юргани кишини таажжублантиради. Наҳотки ота-она ўз фарзандларига шунчалик бефарқ муносабатда бўлса?! Улар қандай юмуш билан машғул эканлигига қизиқмаса?

– Йигитларнинг муштлашаётганини кўриб дарҳол уларни ажратиб юбордим, – дейди касб-ҳунар коллежи директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари С. Дўсов. – Улардан бири жисмоний тарбия ўқитувчиси Дилшод Отаназаров эканлигидан аччиқландим. Унга танбеҳ бериб, ўқитувчи таълим-тарбия берувчи устоз эканлигини эслатиб қўйдим. Афсуски, ўқитувчимиз жиноят содир этгани жамоамиз учун иснод. Биз нафақат ўқувчилар, балки сафимизга энди қўшилаётган Дилшод каби ёшлар тарбияси билан ҳам жиддийроқ шуғулланишимиз кераклигини англаб етдик.

Суд жараёнида гувоҳлик берган Х. Мадримов ҳамда О. Раҳимовлар ўз кўрсатмаларида судланувчи Ботир Яқубовнинг жавобгарлигини енгиллаштириш мақсадида нотўғри кўрсатма беришга уринишди. Аммо суд ҳайъати ушбу кўрсатмаларни асоссиз деб топиб, танқидий баҳолади.

– Мавлон Пўлатовнинг ўлимига ёлғиз ўзим сабабчиман, – деди айбдор Ботир Яқубов суд мажлисида. – Марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларидан кечирим сўрайман. Қилмишимдан пушаймонман.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судьяси О. Рўзиев раислигида кўриб чиқилган ушбу «иш» якунига етди. Судланувчи Ботир Яқубов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Судланувчи Дилшод Отаназаровга нисбатан эса ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ўтказган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши тайинланди.

Инсон қалби шунчалик нозикки, у шиша сингари синса тузалмайди... Инсон қалби шунчалик нозикки, у шиша сўзга ташна. Агар бунинг ўрнини дағаллик, кўрслик эгалласа инсоний фазилатлардан йироқлашган бўламиз. Меҳр-оқибатни унутган "қаҳрамон"ларимиз ножўя хатти-ҳаракатлари билан ўз тақдирларини зулмат сари буришди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Зокир ИСМОИЛОВ,**
**капитан.**

*Хоразм вилояти.*

---

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Наурызбой Таумуратова синглиси

**Бийбигул ТАУМУРАТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ ЙҲХБ 3-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, сержант

**Конисбай ТУРДИМУРАТОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Навбаҳор тумани ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси, майор О. Ҳайдаровга падари бузруквори, ички ишлар идоралари фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги подполковник

**Вафо ота ҲАЙДАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Сардоба тумани ИИБ бошлиғи, подполковник

**Комилжон ХАТАМҚУЛОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қизилтепа тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, майор К. Ғаффоровга падари бузруквори

**Исроил ҒАФФОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБ Зангиота тарбия муассасаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошлиқ ўринбосари, подполковник П. Уруновга акаси

**Эшпўлат УРУНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

---

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Силиқовга турмуш ўртоғи

**Вазира СИДИҚОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бош ҳисобчиси

**Сония ҚУРБОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда.**

**Бахтиёр Ашуралиевич Мирзаев.** 1968 йилда туғилган. Янгийўл тумани Эсбўтаев кўчаси, 61-уйда яшаган.

* * *

**Мурод Қиличбекович Рўзиев.** 1970 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Тонг даҳаси, 5-уй, 3-хонадонда яшаган.

* * *

**Ҳакимжон Эркинович Абдураҳимов.** 1959 йилда туғилган. Янгийўл тумани Гулбаҳор қўрғони Ёшлик кўчаси, 1-уй, 11-хонадонда яшаган.



* * *

**Малика Солижоновна Раҳимова.** 1958 йилда туғилган. Фарғона вилояти Қува тумани Шербўтаев қишлоғи, 43-уйда яшаган.

* * *

**Валентин Викторович Каримов.** 1975 йилда туғилган. Янгийўл тумани Деҳқонобод маҳалласида яшаган.



***Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.***

* * *

**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан Баҳром Хатамович Тоғаев жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1963 йилда туғилган. Бойсун тумани Шўрсой маҳалласида яшаган.**

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, қулоқлари катта, кўзлари қисиқроқ, қиррабурун, сочи оқ-қора, қошлари қора, ёйсимон.

**Б.Тоғаевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

# ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

*Ўзбек халқи, бағри кенг,*
*Меҳмон келса қувонар.*
*Дастурхонни тузаб, денг,*
*Ноз-неъматга тўлдирар.*

*Энг муҳими бу эмас,*
*Дастурхоннинг кўрки нон.*
*Нон синмаса бошламас*
*Тотинишни бирор жон.*

*Юртимизда аёллар*
*Нон ёпишда пазанда.*
*Тунда бешикда қўллар,*
*Хамир қорар азонда.*

*Патир, обинон, ширмой,*
*Бир-бирига ўхшамас.*
*Кенжасига кулчатой*
*Ёпиш ҳам эсдан чиқмас.*

*Ушоғи бўлсин ноннинг,*
*Кексалар кўзга сурар.*
*«Нондай азиз бўлинг!» деб,*
*Доимо дуо қилар.*

**Дилшод КОМИЛОВ,**
**капитан.**



*Тандир тўлиб ёпилди нон...*
**А. КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.**

ТЕСТ

# ЁШИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ТЕКШИРИНГ

**Фанда шу нарса исботланганки, одамзодда икки хил ёш бўлади: паспорт бўйича ва биологик. Биз ўрганиб қолганимиз, ёшимизни умр бўйи паспорт бўйича ҳисоблаймиз, яъни туғилган санамиз ёзилган кунга қараб. Аслида ҳаётимиз, кечаётган умримиз асосан биологик ёшга боғлиқ.**

**Америкалик олим Рей Уолфорд ҳар ким ўзининг ҳақиқий биологик ёшини ўзи аниқлаши мумкин бўлган осон тестни тавсия этади. Шулардан иккитаси қуйидагичадир:**

1. “Сиқиш” тести сизнинг терингиз неча ёшдалигини аниқлаб беради. Қоидага кўра, бош ва кўрсатиш бармоқларингиз ёрдамида кафтингизнинг орқа томонини чимчилаб, енгилгина тортасиз ва шу тариқа 5 сония ушлаб турасиз. Сўнг қўйиб юборасиз ва синчиклаб кузатасиз – чимчилаган жойингизнинг ўрни қанча вақтда йўқоларкан. Агар тезда, яъни 5 сония ичида йўқолиб кетса, демак, сизнинг ёшингиз 45 гача бўлган оралиқда. Негаки, 60 ёшгача бўлганларники 10-15 сонияда тарқалади. 70 ва ундан юқори ёшдагиларникида эса чимчиланган ўрин 35, ҳатто 55 сониягача ўзининг асл ҳолатига қайтмай туриши мумкин.

2. “Лайлак ҳолати” тести ҳам сизнинг куч-қувватингизни, ёшингизни аниқлайдиган тестлардан. Унга кўра, лайлакчасига бир оёқда туриб, иккинчи оёқни букиш ва икки қўлни ёнга керганча кўзни юмиб туриш талаб этилади. Агарки, қимир этмай қанча кўп туролсангиз, демак, билингки, сиз ҳали куч-қувватдасиз, ҳали ёшсиз. Қисқаси, бундай вазиятда ёшлар ками билан 30 сония тура олади. Ёши ўтиб қолганлар эса, ҳатто 5 сония туришга ҳам қийналишади.

**У. БОЛЛИЕВА тайёрлади.**

ЕТТИ КУН САБОҒИ

### ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚИММАТ

– Энг арзон нарса нима?
– Вақт. Чунки у ҳаммада бор.
– Энг қиммат нарса нима?
– Вақт. Вақти келса, уни миллиардерлар ҳам сотиб ололмайди.

### ЯХШИЛИК

– Кимдан яхшилик кутса бўлади?
– Қалбида манфаат ҳисси ўлганлардан.
– Кимдан яхшилик кутиб бўлмайди.
– Қалбида манфаат ҳисси тириклардан.

### ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИБОРСИЗЛИК

– Дўстни яхшилаб таниш учун нима қилиш керак?
– Гоҳида танимай туриш керак.
– Душманни яхшилаб таниш учун нима қилиш керак?
– Гоҳида таниб туриш керак.

### ЕТОЛМАЙСАН, ҚУТУЛОЛМАЙСАН

– Нимани қувган билан ҳеч етиб бўлмайди?
– Фойдани.
– Нимадан қочган билан ҳеч қутулиб бўлмайди?
– Зарардан.

**Шухрат РЎЗИЕВ,**
**подполковник.**




ТУРФА ОЛАМ

# БИЛАСИЗМИ?

● **Асаларининг ҳид билиш сезгиси инсонникига қараганда 1000 марта кучлироқ бўлиб, у гул ифорини 1 км. дан ортиқ масофадан сезади.**

● Юз грамм асал тайёрлаш учун боларилар 46 минг км. масофани босиб ўтишади, бу эса ер шари экваторини учиб ўтишга тенг. Ишчи асалари бир кунда етти минг гулни чанглатади.

● **Узоқ Шарқ ва Сибирда липа дарахтининг гуллаши даврида бир кунда 30-33 килогача, мавсум давомида эса 330-340 килогача асал тўплаш мумкин экан.**

● Асал тўплаш вақтида боларилар турли овозлар чиқариб, ўзига хос рақсга тушадилар. Бу билан маълумотлар алмашибгина қолмай, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб ҳам олишаркан.

● **Асаларилар портловчи ва гиёҳвандлик моддаларни аниқлашда инсонларнинг тўрт оёқли кўмакчиси – итни доғда қолди-**



**ришаркан. Ўтказилган тажрибалар 99 фоиз ҳолатда асаларилар «вазифаларини» бехато бажаришганидан далолат бермоқда.**

● Ҳар йили асаларилар чақувидан ҳалок бўлганлар сони илон чаққанидан кўра кўпроқни ташкил этаркан.

● **Англияда барча оққушлар – қиролича мулки ҳисобланади.**

● Инсон умри давомида ўртача 60560 литр суюқлик истеъмол қилади.

● **XVIII асрга қадар инсоният совун нималигини билмаган.**

● Инсон қон томирларининг умумий узунлиги тахминан 100 минг километрни ташкил этади. Инсон танаси эса 72,5 км. асаб толаларидан иборат.

● **Сан-Марино Республикаси дунёда энг кичик армияга эга: бор-йўғи 12 нафар ҳарбий хизмат қилади холос.**

● Ҳар сонияда Ерда 100 га яқин чақмоқлар ёғдуланиб туради.

● **Инсон кўзи 130-250 тагача аниқ рангларни ва 5-10 миллион қоришиқ тусларни аниқлаш қобилиятига эга.**

● Инсон кўзининг қоронғиликка тўлиқ ўрганиши учун 60-80 дақиқа вақт керак.

● **Норвегияда ягона «А» ҳарфи билан аталувчи аҳоли пункти бўлиб унда 300 киши истиқомат қилади.**

● Эму туяқуши ва кенгуру орқага тисарила олмаслиги туфайли Австралия армиясининг рамзи ҳисобланади.

**М. ИБРАГИМОВА**
**тайёрлади.**

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**
232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

**Манзил:** Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
**Мўлжал:** Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

ISSN 2010-5355

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS:
**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o‘rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma J-7559. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56709 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.**